Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 5 апрель, чоршанба • № 27 (10.703) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН — МОЛДОВА:
ҲАМКОРЛИК ЧОРРАҲАЛАРИДА

Илгари хабар қилинганидек, республикамиз Президенти Ислом Каримов Президент Мирча Снегур таклифига биноан 30-31 март кунлари Молдова Республикасида расмий сафарда бўлди.

Кўтаринки руҳда ўтган сафарнинг дастлабки куни икки мамлакат раҳбарлари ўзаро музокаралар ўтказдилар.

Музокаралар ниҳоясида икки мамлакат ўртасида дўстона ҳамкорлик, эркин савдо муносабатларини ривожлантириш, фан-техника, маданият ва санъат, почта хизмати, алоқа, банк соҳаларида ҳамкорлик, самолётлар қатновини йўлга қўйиш, икки томонлама солиқ солмаслик тўғрисидаги ўндан зиёд ҳужжат имзоланди.

Республикамиз Президенти шу куни кечқурун давлат тантаналари саройида Молдова халқ хўжалиги, йирик саноат корхоналари раҳбарлари, ишбилармонлар билан учрашди.

— Халқларимиз дўстлиги азалийдир, — деди юртбошимиз — Ўзбекистон халқи Тошкент зилзиласидан сўнг ташвишимизга шерик бўлган Молдова халқининг дўстона ёрдамларини унутган эмас. Бугун биз мустақил Ўзбекистон номидан эски дўстлик ришталарини янгидан мустаҳкамроқ боғлаш учун бу ерга келдик. Ўйлайманки, ҳозиргина имзоланган ҳужжатларимиз собиқ иттифоқ таназзулидан сўнг издан чиққан алоқаларимизнинг янги иқтисодий шароит талаби асосида тикланишига ҳуқуқий кафолат бўлиб, икки мустақил давлат халқлари манфаатларига хизмат қилади.

Президентимиз ўзаро ҳамкорлик ҳақида гапирганида залда жонланиш сезилди. Самимий мулоқот бошланди. Тираспол ип газлама корхонасининг бош директори ўринбосари Тенченко юртбошимизга мурожаат қилиб, жамоаси тўрт ойдан буён ишсизлигини, Ўзбекистон пахтасига умид билан кўз тикаётганини айтди. Шу соҳанинг бошқа бир вакиласи эса мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик Молдованинг ижтимоий муаммолари ҳал бўлишига кўмаклашишини таъкидлади.

Молдова Республикаси Президенти Мирча Снегур республикамиз Президентининг расмий ташрифи муносабати билан берган баёнотида Молдова халқи, Молдова ҳукумати мазкур ташриф натижаларига катта умид боғлаётганини изҳор қилди. Фурсат топиб Президент Мирча Снегурдан Ўзбекистон Республикасидаги туб ўзгаришлар, жумладан, республикамиз Президенти ваколатларини 2000 йилгача узайтириш ҳақида ўтказилган умумхалқ Референдуми тўғрисида фикрини сўрадик.

— Биз, Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистонда туб иқтисодий ислоҳотлар ўтказилаётганидан хабардормиз, — деди М. Снегур. — Мамлакатингизда бозор иқтисодиётига ўтиш босқичма-босқич амалга оширилаётгани, бу даврда аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари давлат томонидан ижтимоий ҳимояга олингани ибратлидир. Сўнгги пайтда Марказий Осиё минтақасида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва халқаро доираларда Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли ниҳоятда тўғри ва одилона йўл экани хусусида фикрлар билдирилмоқда.

Маълумки, иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш узоқ давом этадиган мураккаб жараён. Республикангизда яқин келажакда ғалла мустақиллигига эришиш учун пухта замин ҳозирланганини эшитиб беҳад хурсанд бўлдим. Референдум масаласига келсак, Ўзбекистон халқи Президент Ислом Каримовнинг ҳуқуқий, демократик давлат барпо этиш йўлида олиб бораётган сиёсатини, мамлакатда осойишталик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳаракатларни қўллаб-қувватлаб тўғри қилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ўз самарасини кўрсата бошлади. Халқ хўжалигини бозор муносабатлари талаблари даражасида қайта шакллантиришда юртбошимиз томонидан илгари сурилган ғоялар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи исботлади. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга катта эътибор берилмоқда, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун катта имкониятлар яратилди. Айни пайтда республикамизда қўшма корхоналарнинг сони кўпаймоқда. Уларнинг дастлабки маҳсулотлари мамлакатимиз халқига манзур бўла бошлади.

Бугунги кунда республикамиз билан ҳамкорлик қилиш истагини билдираётган мамлакатлар сони ортмоқда. Молдова Республикасининг улар сафидан ўрин олгани Ўзбекистоннинг нуфузи ортиб бораётганидан дарак беради.

СУРАТДА: учрашув пайти. Р. НУРИТДИНОВ олган сурат.

Маълумки, Молдовада ишлаб чиқарилаётган шакар, доридармон, қишлоқ хўжалиги техникаси, электр-техника асбоб-ускуналари, суғоришда фойдаланиладиган насосларга республикамизда эҳтиёж бор.

Молдова саноати равнақи эса кўп жиҳатдан Ўзбекистон пахтасига, кимёвий тола, қаттиқ металларга боғлиқ.

Бу икки томонлама ҳамкорликни тақозо этади.

Сафарнинг иккинчи куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Молдова Республикаси парламенти раиси П. Лучинский ва парламент қўмиталари раҳбарлари билан учрашди.

Ўзаро суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Молдова ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашда икки мамлакат парламентлариаро алоқаларнинг ривожланиши муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Шу куни республикамиз Президенти Молдова Республикаси Президенти ҳамроҳлигида Кракова шаҳридаги Вино-шампан ичимликлари корхонасини бориб кўрди.

Самарали ўтган сафар Кишинёв аэропортида республикамиз Президенти Ислом Каримовга катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатилган тантанали кузатиш маросими билан якунланди. Президентимизга Молдова сафарида Олий Мажлис Раиси ўринбосари Б.Шодиева, Бош вазир ўринбосари Ю. Пайгин, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Уктам МИРЗАЁР,
Тошкент-Кишинёв-Тошкент.

ГФР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Германия Федератив Республикаси федерал Президенти Роман Герцог шу йилнинг 11-13 апрель кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келади.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Президент Ислом Каримов 3 апрель куни Тожикистон Ислом уйғониш ҳаракати раисининг ўринбосари А. Тўражонзода, Тожикистон демократик кучларни мувофиқлаштириш марказининг раиси О. Латифий ҳамда Тожикистон Демократик партияси раисининг ўринбосари Х. Холиқназаровни уларнинг илтимосига биноан қабул қилди.

Учрашув чоғида минтақада хавфсизликни таъминлаш масалалари, Тожикистон атрофида юз бераётган вазият ҳамда бу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш йўллари тўғрисида фикрлашиб олинди.

Иккала томон ҳам Тожикистондаги оғир аҳволдан фақат сиёсий мулоқот йўли билан, ташқаридан бўладиган тазйиқларсиз, ўзаро келишув йўли билангина чиқиш мумкинлигини таъкидлади.

Мамлакатнинг ҳозирги мураккаб иқтисодий ва сиёсий ҳолатида бир-бирига қарама-қарши турган томонлар, деди Ислом Каримов, можаро сабабларини аниқлаш, ҳар ким ўзининг қанчалик ҳақлиги ва бошқаларнинг айби нимадан иборат эканини аниқлаш билан шуғулланмасдан, юз берган фожиали воқеалар даврида оғир қийинчиликларни бошидан кечирган ва фақат тинчлик ва бунёдкорлик меҳнатини орзу қилаётган оддий фуқароларнинг фикрига қулоқ солиш керак.

Биз Тожикистон масаласи тезроқ ҳал этилишидан ҳаммадан кўпроқ манфаатдормиз ва тинчлик жараёнига, Тожикистон ҳукумати билан муҳолифат ўртасидаги мулоқотни изчиллик билан амалга ошириш учун зарур шарт-шароит яратишга ҳар томонлама кўмаклашишга тайёрмиз, деди Президент.

Ислом Каримов муҳолифатни улкан мақсадга эришишнинг ҳарбий, жангарилик усулларидан воз кечишга чақирди. Чунки, бундай усуллар тожик миллати, Тожикистон халқининг манфаатларига мутлақо мос эмас.

Минтақа мамлакатлари, МДҲга аъзо бўлган давлатлар ва шубҳасиз, БМТ ҳамда ЕХҲТ каби нуфузли халқаро ташкилотлар тинчлик жараёнига катта ҳисса қўшишлари мумкин эди, деб алоҳида таъкидлади Президент. Учрашув иштирокчилари Тожикистондаги миллатлараро мулоқотни бутун Тожикистон жамоатчилиги манфаатларини ҳисобга олиб, амалий руҳда давом эттиришни ёқлаб фикр билдирдилар.

Фан — қишлоққа

ЯНГИ ЎСИМЛИК

Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти лабораториясида янги-янги ўсимликларни тадқиқ этиш юзасидан катта ишлар олиб борилмоқда. Олимлар, айниқса, қурғоқчилик бўладиган минтақаларда сувга чидамли озуқа экинлари яратиш устида изланиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Бу соҳада дастлабки натижалар ҳам қўлга киритилди. Озуқабоп кўпйиллик ўсимликнинг янги нави яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий қилина бошланди. Унинг ҳар гектаридан 40 центнердан кўк озуқа олиш мумкин.

Суратда: лаборатория мудири, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Е. Талалова илмгоҳнинг тажриба участкасида.
Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

ЧИГИТ ЭКИШ БОШЛАНДИ

БАРАКА УРУҒИ

ПАХТАКОРЛАРИМИЗНИНГ орзиқиб кутган кунлари ҳам етиб келди. Далаларга дастлабки экиш агрегатлари чиқди. Она заминга, юмшоқ тупроқ бағрига дастлабки «оқ олтин» уруғлари қадалди. Яхши ният билан даласига отланган деҳқонларимиз зумрад фаслнинг ҳар бир ғанимат кунидан унумли фойдаланиб, экиш ишларини қисқа муддат ичида уюшқоқлик билан ўтказиб олишга ҳаракат қилмоқдалар.

Бу йил вилоятимиз хўжаликларида 1164 та сеялка билан 107 минг гектар майдонга уруғ экилади. Бу мавсумни узоғи билан ўн кун ичида тугаллашимиз керак. Ҳар бир агрегат билан бир кунда 6-7 гектар майдонга чигит экишга эриша олсак, 15 апрелгача ҳамма майдонларга чигит қадаб бўламиз.

Уруғликни тежаб-тергаб сарфлашда ҳам гап кўп. Бу йил ҳар гектар майдонга 40-50 килограмм туксизлантирилмаган чигит, 30 килограмм туксизлантирилган чигит экиш меёрлари белгиланган. Ана шу маромга риоя этсак, моддий томондан ҳам ютамиз, ҳам ортиқча агротехник юмушлар камаяди.

Об-ҳавони кузатиш хизмати мутахассисларининг таъкидлашларича, бу йил баҳорнинг анча қуруқ келиши кутилмоқда. Шунинг учун ҳамма имкониятларни зудлик билан ишга солиб, чигитни қисқа муддатларда экиб олиш ва уни ернинг ўз намига бир текис ундириб олишимиз керак. Вақт зиқ, у шоширяпти. Сабаби аниқ, ердан нам тез кўтарилиб кетмасин! Ёғин-сочиндан умид қилиб, чигит суви беришга ишониб, олтинга тенг ғанимат дамларни қўлдан бой бермайлик. Шундай қилмасак, ўзимизни алдаб қўямиз. Бунинг оқибатида ишлов, парвариш, ягана, табиийки, ўз-ўзидан кечикиб кетади.

Демак, ҳозир тадбиркорлик билан оқилона иш юритиб, тавиат саховатидан тўла фойдаланиб, бободеҳқон доно ҳикматларига амал қилиб, чигит экиш суръатларини кундан-кун оширайлик.

ТЕХНИКА ДАЛАГА ЧИҚДИ

ДАЛА меҳнаткашлари ҳаётида қизғин дамлар бошланди. Вилоятимизнинг Бўка, Ўртачирчиқ, Оққўрғон туманларида чигит экиш бошланди.

Экиш-тикиш ишларининг муваффақияти техниканинг шайлигига боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу жиҳатдан олганда жойлардаги таъмирлаш корхоналари жамоалари масъулиятни чуқур тушунган ҳолда уюшқоқлик билан меҳнат қилаётганликлари эътиборга лойиқдир.

Таъмирловчиларнинг саъи-ҳаракати туфайли вилоятда мавжуд бўлган 1658 та экиш агрегати, 2697 та культиваторнинг ҳаммаси мавсумга тахт қилиб қўйилган эди. Бу эса қулай фурсат келиши билан чигит экишни бошлаб юбориш имконини берди. Техникадан оқилона фойдаланиш, уни асраб-авайлаш ва созлашда Мансур Абдиев, Мирсидиқ Ўринбоев, Ғайрат Умаров раҳбар бўлган Бўка, Ўртачирчиқ, Оҳангарон туманлари таъмирлаш корхоналари жамоалари айниқса бошқаларга ибрат кўрсатмоқдалар.

Биз Президентимизнинг халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг сессияларида, фаоллар йиғилишларида сўзлаган нутқлари ҳамда республика Олий Мажлисидаги маърузаларидан келиб чиқиб, аниқ режалар белгиладик. Шулардан бири вилоятда ғалла экилган майдонлар кўпайганлиги муносабати билан Россия федерациясидан техника сотиб олиш эди. Шу мақсадда Красноярск шаҳридан 370 та комбайн, бошқа шаҳарлардан 200 та трактор олиш бўйича шартнома туздик. Ўтган ҳафтада 56 та комбайн, 50 та трактор вилоятимизга етиб келди. Қолганларини ҳам яқинда оламиз. Ер ҳайдайдиган, тиркама ташийдиган тракторлар сони ҳам ортиб бормоқда. Қишлоқ хўжалик техникаси учун зарур бўлган 4 миллион сўмдан кўпроқ эҳтиёт қисмлари сотиб олинди. Албатта, улар ҳозиргача ўзимизда мавжуд бўлган 335 комбайн, 13 мингдан кўпроқ тракторнинг йил давомида узлуксиз ишлашини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бирлашмамизда иқтисодий ислоҳотлар туфайли кичик корхоналар, цехлар очишга эътибор кучайтирилди. Хулоса қилиб айтганда бутун диққат-эътиборимиз қишлоқ хўжалигини зарур техника билан ўз вақтида таъминлаш, мавжудларининг узлуксиз ишлашини йўлга қўйиш, айни пайтда хизматчилар турмуш тарзини яхшилашга қаратилган.

Ҳ. ҚУДРАТОВ,
«Тошвилқишлоқхўжаликтаъминот ва таъмирлаш» бирлашмаси раиси.

Ислоҳот одимлари

ТАДБИРКОРЛАР ИШЛАЙДИГАН ВАҚТ КЕЛДИ

«КИЧИК ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарма» («Бизнес фонд»)нинг вилоят бошқармаси ташкил этилганига куни кеча бир йил тўлди. Жамғарма томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишбилармонликни ривожлантиришда ёрдам бериш юзасидан ўтган даврда бирмунча ишлар амалга оширилди. Шу муносабат билан бошқарма бош директори К. КАРИМОВга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— Кўчербой Каримович, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кейинги пайтда вилоятда қандай ишлар қилинганлиги тўғрисида қисқача гапириб берсангиз?

— Президентимизнинг шу йил 5 январда эълон қилинган «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони, муболағасиз, айтиш мумкинки, тадбиркорларга катта имкониятлар очиб берди. Фармонда таъкидланганидек, давлат ва хусусий корхоналарнинг мавкеи тенглаштирилди. Бу дегани хусусий корхоналарга ўгай кўз билан қарашга чек қўйилди. Ростдан ҳам бу муаммо жамғарма раҳбариятини анча қийнаб қўйган эди. Нега деганда, жойларда бизнинг сафимизга қўшилишни истаган ишбилармонларга айрим маҳаллий раҳбарлар турли баҳоналар билан тўсқинлик қилаётганликлари ташвишга сабаб бўлди. Энг муҳими, эндиликда тадбиркорлар қайси фаолият билан шуғулланишидан қатъий назар, уларнинг аризаси уч кун ичида рўйхатдан ўтказилиши белгилаб қўйилди.

Жамғармамиз баҳоли-қудрат барча тадбиркорларга амалий ёрдам бериб келмоқда. Шу кунгача 12 туман ва шаҳарларда жамғармамиз бўлимларини очдик. Айниқса Бўстонлиқ, Юқоричирчиқ, Бўка туманларида, Бекобод, Олмалиқ шаҳарларидаги бўлимлар ўз фаолиятларини яхши бошладилар. Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари, Чиноз, Оққўрғон, Янгийўл, Ўртачирчиқ туманларида ҳам жамғарманинг бўлимларини очишга тайёргарлик кўраётирмиз.

Сўнгги ойларда тажрибали, ишнинг кўзини биладиган, тадбиркорлик сир-асрорларини яхши тушунадиган ишбилармонлар сафимизга келиб қўшилмоқда. Уларнинг аксарият кўпчилиги жамғармамиз фаолларидир. Шу боис жойлардаги бизнесменларимизнинг баъзилари жамғарманинг туман бўлимларига раҳбар этиб тайинландилар. Бўка, Бўстонлиқ, Бекобод, Юқоричирчиқ ва бошқа туманлардаги директорларимиз ана шулар сирасига киради. Соҳадан яхши хабардор кишилар тадбиркорликни янада тараққий эттиришга катта ҳисса қўшадилар, деган умиддамиз.

— Республика тадбиркорларининг «Ташаббус-94» танловида вилоятимиз вакиллари ҳам иштирок этишган эди. Улар қандай натижаларга эришдилар?

— Албатта, республика «Бизнес жамғармаси» томонидан ўтказилган танловда иштирок этиш ўзига хос бир синов бўлди.

Иштирок этиш учун 61 ариза ва 11 лойиҳадан энг яхшилари танлаб олинди. Барча лойиҳа ва беш ариза республика танловига тақдим этилди. Танловга номзод бўлган ишлар келажакда иқтисодий самара бериши, эртанги кунда уни амалиётга татбиқ этиш мумкинлиги кўзда тутилган эди. Энг яхши фермер-деҳқон хўжаликлари ҳам бу кўрикка қўшилдилар. Бу танловнинг аввалги йилдагисидан фарқи шу бўлдики, илгарилари бизнинг кўмаклашиш имкониятларимиз чегараси анча тор эди. Биз истаган тақдирда ҳам қўлимиз «калталик» қилиб қоларди. Зеро, ҳамма иш молиявий масалага бориб тақаларди. Эндиликда аҳвол бутунлай ўзгарди. Президентимиз фармони, республика вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февралдаги қарорига асосан ҳозир бизнес жамғарма ихтиёрига давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармасининг хусусийлаштиришдан тушган маблағининг 50 фоизигача ўтказиб берилиши жамғармамиз ишини бирмунча жонлантириб юборди. Демак, биз нафақат қарз бериш, балки тадбиркорларнинг таклиф, ташаббуси ва қизиқарли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш имкониятига ҳам эга бўлдик.

Ташаббусни қўллаб-қувватлаш ва унга ёрдам бериш келажакка хизмат қилади. Масалан, Тошкент туманидаги фирмалардан бири тақдим этган маҳаллий шароитда Голландия картошкалари уруғини етиштириш лойиҳаси бизнинг шароитимизда муҳим аҳамиятга эгадир. Паркент туманида жойлашган главконит қазилма бойликларини ўзлаштиришга қаратилган лойиҳа ҳам қимматбаҳо эди. Бўстонлиқ туманидаги фирмалардан бири таклиф этган чет эл сайёҳлигини ривожлантиришга қаратилган ташаббус ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Бошқа таклифлар ҳам эътибордан четда қолмади. Охир оқибат, танлов якунида К. Саидова ва А. Рашидовлар етақчилик қилаётган «Ситорахон» фермер-хўжалиги ва «Темур» кичик корхонаси ҳамкорлигида вужудга келган «Қимматбаҳо қоғозлар бозори» лойиҳаси совринга сазовор бўлди.

«БИЗНЕС-ПРЕСС» ТАНЛОВИГА

— Тадбиркорликни янада ривожлантиришга даҳлдор режалар ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз. Бу мавзуда гапирилганда, шарт-шароитлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлади...

— Тўғри, юқорида айтиб ўтганимиздек, Президентимиз Фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари тадбиркорликнинг келажагини кўзлайди. Энди дадилроқ ҳаракат қиладиган вақт келди.

Куни кеча вилоят ҳокимлигида шу масалага бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими муовини А. Раҳимбоев бошқарди. Йиғилишда жорий йилда тадбиркорликни ривожлантиришга тааллуқли барча ишларимизни яна бир карра аниқлаштириб олдик. «Бизнес жамғарма» директорлари олдига янги вазифалар қўйилди. Давлат мулки қўмитаси билан мулоқот, хусусий корхоналарни ташкил этиш, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш, матлубот кооперацияси ва тайёрлов-савдо объектларини таъминлаш, улгуржи-воситачилик тизилмаларини вужудга келтиришда фаол иштирок этиш сингари масалалар хусусида гап борди. Бунда, албатта, жамғарма бўлимларига хизмат бинолари, техникавий ва алоқа жиҳозлари бериш тўғрисида ҳам гапирилди.

Айни пайтда тадбиркорларга қарз беришни бошлаб юбордик. Жумладан, Тошкент туманидаги «Ҳазина» кичик корхонасига, Паркент туманидаги «Аҳмад» шахсий корхонасига ва Бўстонлиқ туманидаги «Гулкон» кичик корхонасига 600 минг сўм миқдорида қарз ажратилди. Тадбиркорларни ўқитиш, уларнинг ҳужжатларини рўйхатдан ўтказишга тайёрлаш, дебитор қарзларини ундириш бўйича бўлимлар очилди ва улар фаолият кўрсата бошлади. Бундан ташқари Тошкент қурилиш материаллари ижара корхонаси билан ҳамкорлик қилиш ва молиявий алоқа ўрнатиш бўйича шартнома туздик. Шунингдек, Қозоғистоннинг Жамбул шаҳрида савдо уйи очиш бўйича ҳам ишлар олиб бориляпти. Хуллас, ишбилармон ва тадбиркорларга кенг имкониятлар яратиш, уларни жипслаштириш, йўл-йўлакай юзага келадиган муаммоларни биргаликда ҳал этиш жамғармамиз олдида турган асосий вазифалар ҳисобланади.

Суҳбатни вилоят ҳокимлиги умумиқтисод мажмуи етакчи мутахассиси Ш. ХИДОЯТОВ ва «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири Р. УМАРОВ олиб бордилар.

ДИҚҚАТ: АУКЦИОН

КИМОШДИ САВДОСИ ЎТКАЗИЛДИ

Паркент шаҳрида ўтказилган кимошди савдоси иштирокчиларига кафе, саноат ва хўжалик моллари магазинлари, ер майдони билан чойхона ҳамда йигирмата ер участкаси таклиф қилинди. Кимошди савдосини республика кўчмас мулк биржаси филиали, Тошкент вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси бошқармаси ҳамда Паркент тумани ҳокимлиги уюштирди.

Харидорларни асосан Қумушкон қишлоғининг Қуйганток, Бузанжар даҳаларидаги ҳосилдор тоғолди ер майдонлари кўпроқ жалб этди. Сотилган объектлар қиймати 687 минг 500 сўмни ташкил этди.

(ЎзА мухбири).

ОНА КЎРСАТГАН ЙЎЛ

Ғалабанинг 50 йиллиги

Қаҳрамонлар ҳақида ҳикоялар

Мен унинг жангчиларидаги мислсиз қаҳрамонликларини ўша вақтларда фронтда эшитгандим. Фронт қўмондони генерал Ватутиндан тортиб, оддий жангчи йигитларгача уни «Бизнинг қаҳрамонимиз» дерди. Бири «Абдулла» деса, бошқаси «Алексей» дерди. Қандай ном билан тилга олмасинлар, у ўзбек паҳлавони, янгийўлик «Ниёзбош» қишлоғидан Она ватан олдидаги йигитлик бурчини бажариш учун жангчига отланган оддий деҳқон боласи Абдулла Қурбонов эди.

Абдулла разведкага бориш олдидан ўзини панага олиб эртадан кечгача душман истеҳкомларини кузатганлигини, ёвнинг сиру асрорини билиш ва унинг «ини»га кириб, керакли маълумотларни ҳамда «тил» келтириш учун ўзининг жанговар шериклари билан батафсил гаплашиб, сўнг хавфли йўлга чиққанлигини бирма-бир сўзларди. У ўша разведка кечасида қўйилган ҳар бир қадамини, ҳар бир шубҳали нарсани ўт-алафлар ичида ётиб кузатганлигини хотирга келтирарди.

1943 йилнинг август ойи... урушнинг айни қизиган палласи. Душманни эгаллаган жойидан уриб чиқариб, изма-из қувиб бораётган 92-гвардиячи ўқчи дивизиянинг жангчилари Украинанинг Полтава шаҳри яқинида бирдан тўхтаб қоладилар. Душман бу ерда кучли мудофаа истеҳкомларини қуриб: қаттиқ қаршилик кўрсатишга ўтган эди. У ҳужум қилиб келаётган қисмларимизга катта зарар етказиши аниқ эди. Шунда душман ичига разведка гуруҳини юбориш керак бўлди.

Разведкага бориш ҳоҳишини билдирган азаматлар анчагина эди. Лекин 282-гвардиячи полк разведкачиларидан тўрт киши танлаб олинди. Булар разведка ротасининг командири катта лейтенант Расшекин, разведка взводининг командири лейтенант Котейкин ва уларнинг икки жангчиси Васигин билан Абдулла Қурбонов эди.

Полк разведка бошлиғи йигитларга йўлга чиқишлари олдидан душман штаби ўрнашган қишлоқ яқинидаги ўрмон четида эскирган уй бўлиб у ерда бир ногирон кампир яшайди, болаларини фашистлар партизанликда айблаб ўлдирган, аввал шу кампирникига боринглар, зора сизларга ёрдами тегса, деб таъкидлади.

Улар эсон-омон ўрмон четига етиб олишди. Энди ёв штаби қандай жойлашганини, қандай куч уни қўриқлаб турибди, умуман қишлоқдаги душманни аниқлаш учун иккига бўлиниб, олдинга юришди. Ёв анқов эмас, айниқса штабини мустаҳкам қўриқлайди. Майли, қанақа қўриқламасин, у ерни яксон этиш арслоннинг иши, яъни нақадар эҳтиёткор, шерюрак бўлиш талаб этилади. Эҳтиёт бўлмасанг у ерда ўзинг қолиб кетасан. Аввало ўрмон қоровули — кампирни кўриш керак. Улар Эски тахталари нураб турган айвонлик бир хоналик уйга кириб боришди. Одам кўринмасди. Эски челак, ёғоч тоғора ётибди. «Ким бор?» Рус тилида айтилган бу сўздан баланд печка устидаги увада кўрпача қимирлаб, қордай оппоқ сочли аёл бошини кўрпадан кўтарди, пастга қаради.

— Биз келдик, она, — деди Абдулла ва нима учундир ўзини ва шерикларини, қизил аскар разведкачи эканликларини айтмай, шу оддий фарзанд сўзи билан нотаниш кампирга мурожаат қилди. Кампир судралиб, печкадан тушиб, тахта курсига ўтириб, аввал эскирган чит рўмолини юзига тутиб, хўрсиниб, анча йиғлаб олди. Сўнг бошини Абдуллага қаратди. — Қаердан келдиларинг? У ёқдан-мисизлар, — деб сўз кутди.

— Биз у ёқдан, яъни партизанлардан эмасмиз, она — деб Расшекин уй тўрига қадам қўйди. Бу ерларда ёв йўқми? Ўрмон ичида-чи?

— Йўқ, болам, фашист жаллодлар ҳов анави қишлоқда. Жаллодлар уч ўғлимни нобуд қилишди, — кампир энди қучли хўрсиниб, бошини печкага қўйиб яна қаттиқ йиғлашга тушди.

— Нега ўғилларингизни ўлдиришди? — сўради Абдулла.

— Тўнғич ўғлим партизанликка кетганлигини сотқин айтибди. Мен ўғлим шаҳарга кетган десам ҳам, сотқиннинг гапи билан уйдаги уч ўғлимни отиб кетишди, жаллодлар! — Кампир энди йиғидан гапиролмай қолди, печка орқасини тимирскилаб ханжар олди. Уни ёнида ҳамдард бўлиб ғамли, ғазабли турган Абдуллага узатди. — Сен партизанга кетган паҳлавонимга ўхшайсан. Фашист ўлдирган фарзандларим учун бу ханжар билан ёвдан қасос оласан, энг ками учтасини бўғизлайсан, болам, мен сенга ва шерикларингга ғалаба тилайман!

Кампир икки чақиримча нарида жойлашган қишлоқни яхши билар экан. Бориш йўлларини батафсил гапирди. Қишлоқнинг марказида бир катта бино бўлиб, уни душман дивизияси штабига айлантирибди. Бинонинг тўрт томони очиқ бўлиб, тўрт томонга соқчи қўйилибди. Сўнг штабдан сал наридаги уйларда душман офицерлари жойлашган экан. Кампир буларнинг ҳаммасини гапириб, «у ерларга бориш қийин бўлар» деди. Расшекин: «Она, қийинлигини биламиз. Аввал ўрганамиз, кейин ҳаракат қиламиз. Бизга икки кун уйингизда туришга рухсат беринг. Тўртта ўғлингиз бор экан, мана биз ҳам тўрт ўғлингизмиз», — деди.

Кампир бошини қимирлатиб розилик ишорасини билдириб, анча йиғлаб, сўнг Абдуллага юзланди: «Ўғлим, жуда ёш кўринасан, эҳтиёт бўл, гул экансан». Абдулла: «Ўн саккизга кирдим, уйлансам бўлади. Менга бехатар йўлни кўрсатсангиз бас» — деди.

Кампир печка устидан эскирган бир шим ва тиринка камзулни топиб Абдуллага узатди. «Қийиб ол, қишлоқ боласи бўлиб ёвни билишга бор, шерикларингга ҳам тўрт ўғлимнинг эски тускилари қолган».

Тўрт разведкачи бир зумда қишлоқ йигитлари кийимида тайёр бўлиб кампирдан фотиҳа олишди. Икки кун қишлоқ чеккасигача бориб душман жойларини аниқладилар. Учинчи кун фронт қўмондони буйруғини бажаришга киришишди.

Кампир тўғри йўлни кўрсатган экан. Ўсиқ алафлар орасида ипдай эгри-бугри ёлғиз оёқ сўқмоқ йўл кўринди. Олдинма-кетин шу сўқмоқ йўлдан юришиб, қишлоқ четига етиб олишди. Энди ерга ётиб, ҳамлага тайёрланиш керак. Қишлоқнинг қаеридадир ёритиш мушаги ҳавога кўтарилди. Қаеридадир ўқтин-ўқтин отилган автоматлар овози эшитилди. Штаб жойлашган бино яқинида турган енгил машина жойидан қўзғалиб, тез юриб кетди. Штаб ёнида катта асфальт кўча ялтираб кўринади. У ердан бориш мумкин эмас. Штаб орқасида айланма торкўча ўтган. Ўшандан бинога билдирмай яқинлашиш буюрилган. Разведкачилар ниҳоят мўлжалланган бинонинг орқа томонига етиб олишди. Расшекин билан Васигин рўпарадаги катта эшикнинг икки томонида турган икки соқчининг нафасини бир зумда ўчириб, ўзлари соқчиликка туришди. Котейкин эшик олдида Абдуллани қўриқлаб, жангга тайёр турди. Абдуллага имо қилди. Абдулла штаб даврозаси орқасида турган фашист соқчини кампир берган ханжар билан тинчитди. Эшик ёнида мудраб ўтирган бир барзангини бўғиб сулайтирди-ю, ўзини штаб бошлиғининг хонасига олди. Фашист генерали, штаб бошлиғи хариталарни ёйиб қўйиб, алланималарни ёзиб, қулоғига телефон трубкасини илиб олган эди. Олдида оддий қишлоқ кийимидаги одамни кўриб бир зум ҳанг-манг бўлиб қолди ва бирдан пистолетига ёпишди. Абдулла бир сакраб уни креслодан ерга ағдариб ханжар билан нафасини ўчирди. Телефон жиринглаб қолди. Абдулла столдаги, ҳатто дам оладиган диван устидаги карталарни ҳам йиғиб, сўнг ерда ётган генерал тагидаги планшетни кўриб қолди. Уни тортиб олиб, эшикка отилди. Тўрт разведкачи бир зумда қишлоқни тарк этиб, ўрмон четида кампир уйида пайдо бўлиб, эски кийимларни кампирга раҳмат айтиб топшириб, ўз қисмларига шошилдилар. Бу жанговар топшириқ ёзнинг иссиқ кечасида соат 3 билан 4 нинг орасида бажарилди. Кампир разведкачиларни кузатар экан. «Тезроқ қайтиб келинглар, қишлоқни тезроқ озод қилинглар» деди.

Разведкачиларнинг фашист қўшинлари штабидан келтирган маълумотларини аввал 282-гвардиячи полки, сўнг 92-гвардиячи дивизия командирлари кўздан кечириб, дархол фронт қўмондонлигига етказишди. Абдулла қўлидаги фашист генералининг планшетида сақланган ўта маҳфий, ҳужум режалари баёни фронт қўмондони генерал Ватутинга жуда зарур эди.

Қўлга олинган ёв ҳужжатларида фашист қўшинлари жойлашган ерлар, уларнинг мудофаа истеҳкомлари, одамлари ва техника кучларининг миқдори кўрсатилган эди. Бу маълумотлар атрофлича ўрганилиб, эртасигаёқ ялпи ҳужум бошланди. Ёв саросимага тушиб, қаттиқ зарбага учраб, Полтава ерларидан қувиб чиқарилди. Фронт бир неча километр илгарилаб кетди. Бутун бир дивизия бажаролмаган ишни тўртта азамат разведкачи бажарди.

Фронт қўмондонлиги уларни табриклаб, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлигига тавсия этди. Генерал Ватутин душман штабини ағдар-тўнтар қилиб, муҳим стратегик маълумотларни келтирган Абдулланинг мардлигини тилга олиб, ўз азиз фарзандидай яқин кўриб уни «Алексей» дея атади. Кўп вақт ўтмай 1944 йил февралида Абдулла Қурбоновнинг кўксида «Олтин юлдуз» пайдо бўлди.

1943 йил сентябрида Днепрни кечиб, ҳужум жангларини давом эттиришда Абдулла энди қўлга мерганлик милтиғини олиб, панада туриб, Дериевка қишлоғида ин қурган 15 фашистни, 4 октябрда бир тепаликдаги жангда 67 ёвни, 17 октябрда яна бир ёв қаршилик кўрсатаётган тепаликда 83 душман солдатини, шу жумладан 3 снайперини гумдон қилди. Бу рақамлар унинг қаҳрамонликка ёзилган тавсияномасида қайд этилган. Абдулла шиддатли жангларда яна кўп марта иштирок этиб, саккиз марта яраланди. Уруш тамом бўлиб уйига қайтди. Ўқитувчи бўлиб қадрдон Ниёзбош қишлоғининг болаларини ўқитди.

Ғалабанинг 50 йиллигида 70 ёшга тўлган қаҳрамон қуролдош Абдулла Қурбоновни муборакбод этиш учун телевидение ходими Рўзимат Мадатов билан бирга Ниёзбош қишлоғига бордик. Абдулла ака катта оила аъзолари билан бирга эди. Янгийўл шаҳар ҳокими ўринбосари Қурбоновга «Жасорат» медалини топширди, телевидение ходимлари бу тантанани суратга тушириши. Ниёзбошлик уруш фахрийлари қаҳрамон ҳамқишлоғини табаррук ёши билан табриклашдилар. Биз ҳам элимизнинг жасоратли фарзандини қўш байрам билан табриклаб, унга эзгу тилакларимизни айтиб қайтдик.

НАЗАРМАТ.

Суратда: Абдулла Қурбонов ёшлар даврасида.

АНАТОЛИЙ МИХАЙЛОВИЧ АНОХИН

Ишлаб чиқаришнинг таниқли ташкилотчиларидан бири, «Ўзбекистон металлургия комбинати» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Анатолий Михайлович Анохин вафот этди.

А. М. Анохин 1927 йилда туғилган эди. Сибир металлургия институтини тамомлаганидан сўнг, Анатолий Михайлович меҳнат фаолиятини мастер ёрдамчиси лавозимидан бошлаб, металлургия саноати корхоналарида 40 йилдан кўпроқ меҳнат қилди. 1988 йилда республикамиз қора металлургиясининг бош корхонаси — Ўзбекистон металлургия комбинатига бошлиқ қилиб бошлади.

Унинг раҳбарлигида заводни қайта қуриш ва ривожлантириш юзасидан катта ташкилий ишлар амалга оширилди. Натижада завод йирик замонавий корхоналардан бирига айланди. Комбинат ва Бекобод шаҳрининг ижтимоий соҳасини ривожлантиришга, металлурглар оилалари фаровонлигини оширишга кўп эътибор берилди.

А. М. Анохиннинг фидокорона меҳнати юксак давлат мукофотлари — орден ва медаллар билан тақдирланди, унга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвони берилган эди. У шунингдек, турли даражадаги халқ депутатлигига бир неча бор сайланган эди. Моҳир ишлаб чиқариш ташкилотчиси, ғамхўр раҳбар ва ажойиб инсон А. М. Анохиннинг хотираси касбдошлари, дўстлари қалбида ҳамиша сақланади.

И. Каримов, Э. Халилов, А. Муталов, И. Жўрабеков, Ю. Пайгин, Э. Рўзиев, Ж. Насриддинов, П. Мақсудов, В. Сигедин, Н. Кучерский, Р. Муҳаммадхўжаев, П. Бадалов, Е. Аренкин, М. Боймуродов, Р. Нурзаев.

ХЎЖАЛИК «БОЙҚОЗОН» БЎЛДИ, ЭЛИНИНГ КЎНГЛИ ТЎЛДИ

КЎПДАН бери Паркент туманидаги «Коммуна» жамоа хўжалиги номини ўзгартириш борасида бошқарув аъзолари изланишарди. Бу борада уларга қариялар ёрдам беришди. Наврўз айёми арафасида хўжалик халқ корпорациясига айлантирилиши муносабати билан унинг номи ҳам ўзгариб «Бойқозон» деб аталадиган бўлди.

—Бу номнинг берилиши бежиз эмас-дейди корпорация кенгаши президенти Тоҳир Холтоев. — Собиқ хўжалигимиз ҳудудида Бойқозон номли қишлоқ бўлиб аҳолиси меҳнаткашлиги учун урушнинг энг оғир йилларида ҳам ночорлик сезмаган. Эндиликда бутун жамоа хўжалигимиз иқтисод жиҳатдан оёққа туриб олди. 1994 йилги даромаднинг ўзи 6 миллион сўмдан ошиб кетди.Илғор деҳқонларимиз чўнтагига йил якуни бўйича 30-40 минг сўмдан пул тушди. Бундан ташқари оилаларни шоли, ун, ёғ ва бошқа маҳсулотлар билан таъминладик. Шу боис бундан кейин ҳам рўзғоримиз баракали бўлсин деб корпорацияни «Бойқозон» деб номланглар,— дея кексалар маслаҳат беришди.

Мева-узумчилик, чорвачилик, сабзавотчилик кичик корхоналари, моддий-техника таъминоти, маданий-маиший бинолар қурилиши уюшмаларидан иборат корпорациямизни ташкил этишда Ўртачирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли халқ корпорацияси тажрибаси мактаб бўлди.

Б. МИРАШУРОВ.

БАҲОРГИ ЧАҚИРИҚҚА БАҒИШЛАНДИ

Вилоят ҳокимлигида

Вилоят ҳокимлигида бўлган йиғилиш фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақирувга тайёрланиш ва уни юқори савияда ўтказишга бағишланди. Йиғилишда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг ушбу масала бўйича шуғулланувчи муовинлари, мудофаа ишлари, ички ишлар, соғлиқни сақлаш бўлимлари раҳбарлари ва бошқа мутаасддилар иштирок этдилар.

Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи Пўлат Ражабов вилоятда фуқароларни ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш ишларининг ўтган йилги якунларига алоҳида тўхталди. Бу борада Тошкент, Қуйичирчиқ, Қибрай туманлари ва Чирчиқ шаҳрида яхши натижаларга эришилгани ҳолда Бўстонлиқ, Зангиота, Чиноз, Юқоричирчиқ, Янгийўл туманларида етарлича эътибор қилинмаган, чақирув комиссиялари раисларининг ўз вазифаларини тўлиқ бажармаганлар, чақирув тиббий комиссиялари дори-дармон, тиббий асбоб-анжомлар билан етарли таъминланмаган, муқобил хизматчиларни ишга жойлаштириш учун корхоналар, муассасаларга квоталар белгиланмаган.

Шундан сўнг бошқарма бошлиғи Ватан ҳимояси учун асосан ўқимишли, жисмонан соғлом йигитлар кераклигини, бунинг учун болалигиданоқ улар саломатлигини муҳофаза қилиш, мунтазам тиббий кўрикдан ўтказиб бориш заруррлигини таъкидлади. Ўтган йилдаги чақирув якунлари эса бу борадаги ишлар бирмунча сust эканлигини кўрсатмоқда. Бу эса мактабларда, билим юртларида ҳарбий ўқувга яхши эътибор берилмаётганлиги натижасидир. Чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Йиғилишда вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи муовини Б. Ҳакимов, соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи муовини Қ. Садиров ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб баҳорги чақириқни уюшқоқлик билан ўтказиш, чақирув комиссияларини ўз касбига виждонан ёндашувчи малакали шифокорлар билан тўлдириш, йигитларни армия хизматига кузатув маросимини тантанали ўтказиш зарурлиги ҳақида фикрлар билдирдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими муовини Д. Жаҳонгирова олиб борди.

ХАСТА ДИЛЛАРГА МАЛҲАМ

Вилоят Қизил Ярим ой жамияти ногиронлар ва етим-есирларни ҳамда ночор оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий қўллаб-қувватлаш борасида бир қанча хайрли ишларни амалга оширмоқда. Айниқса, улуғ айём Наврўз кунларида, Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан ўтказилаётган қатор ибратли тадбирлари эътиборга лойиқдир. Шу жумладан, Юқоричирчиқ туманидаги «Политотдел» жамоа хўжалик шифохонасида жамият қарамоғидаги ёлғиз қариялар учун учта хона ажратилган.

Уларга жамиятнинг икки ҳамшираси доимий бириктирилган. Куни кеча мазкур шифо масканига республика Қизил Ярим ой жамияти вакили О. Тошмуҳамедов ҳамда мазкур жамиятнинг вилоят бўлими раисаси Ф. Латиповалар ташриф буюриб, беморларга совға-саломлар топширдилар.

Шу куни жамоа хўжалиги билан биргаликда шифохона ходимлари ўтказган байрам тантаналари ҳам фахрийларга чексиз қувонч бахш этди. Мазкур шифохонада 40 йилдан ортиқ меҳнат қилган Зоя Лю, Владимир Сон, Султон Саидаминов, Иннокентий Ким, Жанна Лю каби бир қанча шифокор ва ҳамширалар ҳам Қизил Ярим ой жамиятининг совғаларини олдилар.

М. ОБИДОВА.

АБАЙНИ ҲАММАМИЗ СЕВАМИЗ

Улуғ қозоқ мутафаккири катта истеъдод эгаси, ёзувчи ва шоир Абай — Иброҳим Қунанбоев туғилган кунга 150 йил тўлди.

Ўз даврининг етук кишиси, асарларида доимо Ватанини, элини тараннум этган, меҳнаткаш халқ манфаатларини ҳимоя қилган Абай номи нафақат қозоқ, балки, шарқ халқлари учун ҳам ниҳоятда ардоқлидир. Унинг катта маҳорат билан яратилган бир қатор шеърларини, поэмаларини қозоқ ўқувчилари билан бир қаторда ўзбек, қирғиз, тожик китобхонлари ҳам ўз она тилларида қизиқиш билан ўқийдилар. Абай асарлари собиқ иттифоқнинг 11 тилига, шунингдек, инглиз, араб, хитой, мўғул ва бир қатор дунё тилларига ҳам таржима қилинган. ЮНЕСКО қарорига кўра 1995 йилни Абай йили деб эълон қилинганлиги ҳам бежиз эмас.

Куни кеча Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан ана шу забардаст шоирнинг 150 йиллигига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда бир қатор таниқли ёзувчи ва олимлар, Ўзбекистонда яшаб, Ватанимиз тараққиёти учун баҳоли қудрат улуш қўшаётган қозоқ биродарларимиз, матбуот ходимлари иштирок этдилар. Конференцияни Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Нажмиддин Эскалиев бошқариб борди. Таниқли адабиётшунос олим, профессор, «Нурли жол» газетаси муҳаррири Қолдибек Сейданов Абай ҳаёти ва ижодига оид маъруза қилди. Шунингдек қўшни Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Солижон Жигитов ўз сўзида Абайнинг шарқ халқлари адабиёти ривожига қўшган улуши, бугунги кунда туронзамин халқлари ўртасида ривожланиб бораётган дўстона ҳамкорлик ҳақида тўхталди.

Отахон адиб Саид Аҳмад, ёзувчи ва таржимон Носир Фозиловлар Абай юбилейини республикамизда муносиб нишонлаш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, бу борада белгиланган тадбирлар ҳақида гапириб бердилар. Шундан сўнг матбуот конференциясида иштирок этаётган мухбирлар ўз саволларига жавоб олдилар.

Тадбиркорлик — иқтисодиётнинг келажаги

«ТАФТИНГ»: ЯКУНЛАР, МУАММОЛАР, РЕЖАЛАР.

• Ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 56 фоизни ташкил этди • Рентабеллик 40 фоизга етди • Кичик корхоналар, цехлар, бўлимлар маҳсулот бера бошлади • Маҳсулот тури ўттизтага яқинлашди • Келажакдаги режалар.

ОЛМАЛИҚ гилам фабрикасининг ишга туширилиши вилоятимиз иқтисодиётида катта воқеа бўлган эди, деб бемалол айтиш мумкин. Аввало у саноат ишлаб чиқаришимиз учун янгилик эди. Гиламчиликнинг, ҳатто у асосан суньий хом ашё ва материаллар асосида тўқиладиган бўлса ҳам, ўзимизда ташкил этилиши ҳаммани хурсанд қилганди. Бозорни яна бир ноёб харидоргир кенг истеъмол моли билан тўлдириш имкони яратилганди. Корхонада дастлабки маҳсулот ишлаб чиқарилганига ҳам қарийб йигирма йил бўлипти. Ҳар йили 4 миллион квадрат метр ҳажмида полос ва поёндозлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхона собиқ иттифоқ парчаланиб кетганидан кейин жуда оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолди. Фабрика ўзи учун зарур бўлган хом ашё манбаларидан ажралиб қолди. Чунки, улар асосан Россия, Украина, Белоруссияда жойлашган эди. Бундай парокандалик оқибатида корхонада ишлаб чиқариш ўтган йилнинг бошига келиб деярли тўхтаб қолди. Шундан сўнг фабрикага ўзининг тадбиркорлиги билан муайян даражада обрў орттирган мутахассис Михаил Темирович УМАРОВ директор этиб тайинланди. Шундан сўнг ишлаб чиқаришда ижобий силжишлар юз бериб, ишнинг ҳажми кенгая бошлади, суръати эса оша бошлади.

— Михаил Темирович, сиз фабрика директори этиб тайинланганингизда бу ерда ишлаб чиқариш умуман издан чиқиб кетган эди. Корхонанинг иш кўрсаткичлари ниҳоятда пасайиб кетган, ишчи-хизматчилар, ҳатто малакали мутахассисларнинг ҳам анчагина қисми мажбуран кетиб қолганди. Қисқаси аҳвол ачинарли эди. Шундай шароитда ишни нимадан бошладингиз?

— Аввало, мен ўзимга билдирилган катта ишончни оқлашим керак эди. Ахир корхонада юзлаб кишилар ишлашади. Тўғри уларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади, бироқ оилаликлари ҳам кам эмасди. Уларнинг тирикчилиги, турмуш тарзи, қолаверса фаровонлиги шу ишга, олаётган маошларига боғлиқ эди. Собиқ иттифоқ парчаланиб, иш чаппасига кетганида жамоанинг кўпгина аъзолари бўшаб кетишди. Уларни ҳам тушуниш керак. Лекин, қадрдон корхоналарини тарк этмаганлари ҳам кам бўлмади. Иш бўлмаганидан кейин тез-тез мажбурий таътилга чиқариб турилса ҳам фабрикадан кетиб қолмадилар. Бундай фидокорларга қанчалик қуллик қилсанг ҳам камлик қилади.

Корхона ишлаб чиқариши билан илгари ҳам таниш эдим. Бу ерда келганимдан кейин раҳбар мутахассислар билан биринчи навбатда ишлаб чиқариш бўлинмаларида бўлдим, ишчи хизматчилар билан очиқчасига гаплашишга тўғри келди, уларнинг фикр-мулоҳазаларини тингладик, таклифларини инобатга олдик. «Маслаҳатли тўй тарқамас»— деганларидек ишлаб чиқаришни қайтадан йўлга қўйиш бўйича белгиланган ва бутун жамоа иштирокида муҳокама этилганидан кейин қабул қилинган фаолият дастурида бу инобатга олинди, қимматлилари бевосита унга киритилди. Жамоанинг барча аъзолари — оддий ишчидан тортиб директоргача иш ҳақида баравар қайғурмаса, бир ёқадан бош чиқариб, аниқ мақсадни кўзлаб ҳамкор, ҳамдард бўлмаса ҳеч нарсага эришиб бўлмасди. Буни яхши тушунган жамоамиз тинмай изланди, янги-янги имкониятлар ишга солина бошланди. Белгиланган чора-тадбирларни изчиллик билан амалга оширишга алоҳида аҳамият берилди. Муаммолар бамаслаҳат ҳал қилинди. Ишлаб чиқаришнинг қолоқ участкалари малакали, жонкуяр ходимлар билан мустаҳкамланди. Кенг ҳажмда ташкилотчилик ишлари олиб борилди.

— Шулар ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз. уларнинг самараси қандай бўлди?

— Маълумки, корхонамиз ҳар йили 4 миллион квадрат метр ҳажмида полос ва поёндозлар ишлаб чиқариш қувватига эга. Очиғини айтганда бу кўрсаткичга ҳали бирор йил ҳам эришилгани йўқ. Лекин унга яқин борилган йиллар ҳам бўлган. Ўша вақтда яъни бундан ўн икки йил илгари турдош корхоналар, айниқса хом ашё ва материаллар етказиб берувчи жамоалар билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган эди. Улар биз учун зарур нарсаларни вақтида етарли миқдорда юбориб туришарди.

Лекин, собиқ иттифоқ парчаланиб кетганидан кейин бундай алоқалар деярли тўхтаб қолди. Катта-катта машаққатлар билан олиб келинган оз миқдордаги хом ашё ва материаллар талабини қондира олмай қолди. Шу-шу иш ҳажми ҳам кескин камайди. Корхона ўз қувватининг ўн фоизи даражасида ҳам ишлай олмай қолди.

Биз хом ашё оладиган собиқ иттифоқдош республикалар билан алоқалар узилганидан кейин янги хом ашё манбаларини қидиришга киришдик. Чунки қўл қовуштириб ўтиришдан ҳеч қандай фойда йўқ эди. Шундай манба республикамизнинг ўзидан ҳам топилди. Навоий азот комбинатида ишлаб чиқарилаётган йигирилган ипдан фойдаланишни режалаштирдик.

Илгари бундай тола ишлатиб кўрилмаган эди. Шунинг учун бу тадбирга ишонқирамаганлар ҳам бўлди. Таваккал қилдик. Хайтовур ёмон бўлмади. Технологияни янги хом ашё асосида полос тўқишга мосладик. Айтарлик қийинчиликка учрамадик. Албатта, ҳозирча бу хом ашёни ҳам етарли ололмаяпмиз. Келгусида кўпайишига ишонч билан қараймиз.

Йўл-йўлакай яна бир тадбирни айтиб ўтмоқчиман. Ўтган йили фабрикамиз очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айланди. Акцияларнинг 60 фоизи жамоамиз қўлига ўтди, қолган 40 фоизи эса давлат ихтиёрида қолди. Бу мустақиллигимизни таъминлаяпти. Корхонамиз билан боғлиқ бўлган барча муаммоларни мустақил, юқори хўжалик идораси розилигини олмасдан ҳал қилиш имконига эга бўлдик.

Жамиятимиз номини эса «Тафтинг» деб қўйдик. Корхонада қўлланилаётган технология шундай деб юритилади. У хорижий мутахассисларга ҳам тушунарли бўлсин деб шундай ном қўйдик. Мақсад чет эллик адлиявий ва жисмоний сармоядорларни ҳам ўзимизга жалб қилиш эди. Чунки, корхонани қайта қуриш, технологиясини янгилаш учун албатта чет эл сармояларига муҳтожмиз. Шунинг эвазига хорижий мамлакатлардан замонавий асбоб ускуналарни сотиб олишимиз мумкин бўлади. Шундай қилинсагина маҳсулотимиз жаҳон бозорида ҳам рақобатбардош бўлиши мумкин. Республикамиз Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, чет элларга ўз маҳсулотини экспорт қилмайдиган корхонанинг истиқболи бўлмайди.

— Хорижий шериклар топилдими? Бу йўлда саъй-ҳаракатлар бўлдими?

— Албатта, саъй-ҳаракатлар қиляпмиз, чет элликларни жалб этиш, улар билан шерикчилик асосида ишлашга, қўшма корхоналар ташкил этишга интилаяпмиз.

Корхонамизга америкалик бизнесменлар ташриф буюрдилар. Италиядан ҳам шундай мутахассислар келишди. Улар ишлаб чиқариш билан танишдилар. Ўз сармояларини беришга рози эканликларини айтдилар. Лекин, ҳозирча улар билан амалий ишлар бошланганича йўқ. Бундан ташқари Жанубий Кореянинг «Шин-Вон-Индастри» фирмаси билан ҳам қўшма корхона барпо этиш юзасидан музокаралар олиб борилди.

Хорижий ишбилармонлар ва фирмалар билан алоқаларни кенгайтириш борасида республика ҳукуматининг кўмаги зарур бўлаётганлигини ҳам айтиб ўтишим керак. Чунки, бу йўлда айрим муаммоларни ечиш зарур. Хусусан, ўзаро ҳисоб-китоб, банкдаги ҳисобимиздаги пул маблағларидан фойдаланиш ва шу каби масалаларда айрим тўсиқлар бартараф этилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Албатта, бизнинг биринчи мақсадимиз фабрикани замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, маҳсулот сифатини оширишдир. Ана шунга эришсак, маҳсулотимизга харидор ҳам топилади, хорижий шерик ҳам ўзи келади.

— Ҳозирги вақтда йирик ва етакчи корхоналар оғир иқтисодий шароитни бошдан кечирмоқда. Кўриниб турибдики, «Тафтинг»га ҳам осон бўлмаяпти. Ундан чиқиш, жилла бўлмаса, бироз енгиллаштириш учун бошқа чора-тадбирлар ҳам кўрилаётган бўлса керак?

— Албатта кўриляпти. Кичик корхоналар, цехлар ва бошқа шу каби қўшимча ишлаб чиқариш бўлинмалари ташкил этиш йўлидан ҳам бораяпмиз. Бунда асосан мавжуд ички имкониятлардан фойдаланаяпмиз. Ўтган йили 100 та янги иш ўрни барпо этишни режалаштирган эдик. Амалда эса 120 та ўрин ташкил этилди. Янги бўлинмалар фақат маҳаллий хом ашё ва ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида ишлайди.

Корхонанинг ўзида трикотаж участкаси ишлай бошлади. Ташландиқ бўлиб ётган эски болалар боғчаси биноси таъмирланиб, унда янги товарлар тайёрлаш ва хизмат кўрсатиш цехи барпо этилди. Бу бўлинмада устки трикотаж буюмларидан ташқари маҳсус кийимлар, тўшаклар, кўрпалар ҳам тайёрланмоқда. Пискент туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» жамоа хўжалигида гилам тўқиш цехи очилди. Бу ерда технология қўл кучига асосланган. Қишлоқда ишлаётган бу цехда ўнлаб маҳаллий ёшлар меҳнат қилишмоқда.

Юқорида айтганимиздек, фабрика ишга тушганига йигирма йил бўлди. Шу давр мобайнида ишлаб чиқаришнинг чиқиндилари кўплаб тўпланиб қолди. Уларни ташлаб юбормасдан ёки иккиламчи хом ашё сифатида бериб юбормасдан маъқул иш қилинган экан. Эндиликда бу чиқиндилардан қатор кенг истеъмол буюмлари, жумладан, оёқ кийимлари, трикотаж маҳсулотлари ва бошқа кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарилмоқда. Ҳа чиқиндилар ҳам даромад манбаи бўлиб қолди.

— Ўтган хўжалик йилининг якунлари ҳақида нималар деяоласиз. Бу йилги режалар қандай? Шулар ҳақида қисқача тўхталсангиз?

— Ўтган хўжалик йилидаги саъй-ҳаракатларимиз зоё кетмаганлигини қайд қилиш лозим, деб ҳисоблайман. Айниқса, барча жамоамиз аъзоларининг иқтисодий қийинчиликларга қарамай фидокорона қилган меҳнатлари мевалари кўзга ташланиб турипти. Хом ашёлардан оқилона фойдаланиш, ишлаб топилган ҳар бир сўм пулни жойжойига сарфлаш, бозор иқтисоди шароитларида ҳам йил бошида белгилаб олинган йўлдан оғишмай бориш натижасида кўзлаган марраларни муваффақиятли эгалладик.

Чунончи, маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръатларини олиб кўрайлик. У бир йилда 56 фоизга тенг бўлди, бу режада белгиланганидан уч фоиз кўпдир. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида рентабеллик асосий иқтисодий кўрсаткич ҳисобланади, ҳар бир корхона учун. У эса бизда 40 фоизни ташкил этди. Жами ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилган полос ва поёндозлар ҳажми тўрт юз минг квадрат метрдан ҳам ошиб кетди. Албатта бу фабрикамиз учун жуда кам. Тўла қувват билан ишлаганида эди бунга қараганда бир неча баравар кўп маҳсулот тайёрлаган бўлардик.

Айни вақтда бошқа турдаги кенг истеъмол маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилди. Уларнинг миқдори кам бўлса ҳам ҳаннада. Бу қўшимча даромад манбаи бўлиб хизмат қилганлиги билан диққатга сазовордир. Турини ҳисобласак йигирматадан ҳам ошиб кетади.

Бу йилги режаларимизга келганда шуни айтиш мумкинки, ижобий ўзгаришлар, силжишлар давом этаверади. Жамоамиз шунга қатъий амал қилиб, янги йилни ҳам дуруст бошлади.

Маҳсулотларимиз тури янада кўпаяди. Бу сохада Янгийўл мебель комбинати билан ҳамкорлик қилишни режалаштирдик. Мебель мажмуаларини биргаликда ишлаб чиқарамиз. Биз мебель жиҳозлари рангига мос коплагич материаллар, полос ва поёндозлар етказиб берамиз. Ёш оила барпо этаётган келин-куёвларга мос мебель ва полослар мажмуини тайёрлаш ҳам ўзлаштирилади. Уни нисбатан арзонроқ сотиш ва кредитга бериш мўлжалимиз бор.

«Тошкент ҳақиқати»нинг хатлар ва оммавий ишлар бўлимида

«ЎЗБЕК УДУМЛАРИ»

«Ҳар бир тараққий этган, маданиятли халқнинг ўз тили, урф-одати, адабиёти, осори-атиқалари, анъанавий моддий ва маънавий бойликлари бўлади. Ўзбек халқи ҳам дунёдаги энг қадимий маданий халқлардан бири сифатида мана шундай хазинага эга. Бу билан биз ҳақли равишда фахрлансак арзийди. Бунинг учун ўша қадимий маданиятни, урф-одатни билишимиз, сақлашимиз ва кейинги авлодларга ҳам етказишимиз инсоний бурчимиздир».

Ушбу сатрлар таниқли адабиётшунос олимларимиздан Маҳмуд Сатторовнинг «Фан» нашриётида чоп этилган «Ўзбек удумлари» китобидан олинган. Дарҳақиқат, муаллиф бу борада ҳақ: минг йиллар аввал яратилиб, шу кунларгача етиб келаётган анъана, маросим, урф-одатларимиз ва миллий қадриятларимиз бизнинг олтиндан-да қиммат ёдгорликларимиздир. Буларни ҳеч бир моддий бойликлар билан тенглаштириб бўлмайди.

Биз Маҳмуд Сатторовни моҳир педагог, адабиёт оламининг жонкуяр фидойиси сифатида биламиз. Унинг кейинги йиллардаги ижоди фикримизга далилдир. Хусусан, «Ўзбек удумлари» китобининг аҳамияти ҳақида сўзлаш биз адабиётшунос, маданиятшунос, элшунос ҳамда тарихчи олимларнинг ҳам бурчи, десак янглишмаган бўламиз.

Эътибор берайлик-а... асар боланинг туғилишидан кейиноқ илк бора ўтказиладиган урф-одатлар билан бошланади. Шунинг учун биринчи мавзуни «Таваллуд. Бешик. Алла» сифатида қўйилиши таҳсинга лойиқ. Бола туғилиб унинг қулоғига азон айтилишидан тортиб, исм қўйилиши ва бошқа тадороклар бирма-бир баён қилинади.

Иккинчи боб «Ўсмирлик — баркамоллик» деб номланиб, болаларнинг севимли чиллак, чавгон, кўпкари, кураш, ҳашар сингари ўйин ва анъаналари ҳақидадир.

«Инсонийлик — камолот» бобида салом-аликдан тортиб, дастурхон, таом, фотиҳа, меҳмондорчилик, яхшилик ва турли кийиниш анъаналари ҳақида сўз юритилади. Китобдаги муҳим мавзулардан Наврўз, Ҳайитлар, совчилик, қўноқ, тўй-тўёна, гап-гаштаклар тўртинчи бобни ўз ичига олиб, ҳозирги ҳаётдаги муҳим воқеаларга бағишланади.

Маълумки, ҳар бир инсон ўз тарихи, ота-бобоси ким эканлигини, уруғ ва сулоласини пухта билмоғи лозим. Шу мақсадда барчамизга ўрнак бўларли мавзуларни бирлаштирган «Умргузаронлик» деб номланган бешинчи боб алоҳида қимматга эга. Унинг уруғ, шажара, сулола, янги ҳовли, қорхат, томоша, салла, бозор-ўчар сингари мавзулари элшунос ва тарихчиларимиз учун ҳам асқотиб қолиши турган гап.

Яна бир муҳим боб бу — «Эътиқод» деб номланган. Унда қасам, онт, васият, васиятнома, иримлар, қарғишлар, яхши ният каби мавзулар кишиларимизни эзгу ишларга чорлайди, яхши амаллар қилишга, ёмонларидан тийилишга ундайди.

Сўнгги боб эса «Охират»дир. Унда худойи, зиёрат, мушкулкушод, хайр-садақа, ибодат каби одатлар ҳақида гап кетади.

Шу билан бирга китобда айрим баҳсли фикрларни учратамиз. Масалан, бир жойда муаллиф шоирнинг «Менинг ўз сиғинар мозорларим бор» деган гапини қўллайди. Шуни айтишимиз керакки, мозоротларга гарчи у авлиёларга ҳам, ёки ҳатто пайғамбарларга ҳам тегишли бўлса ҳам, уларга сиғиниб бўлмайди. Бу ширк ҳисобланади. Шунингдек бир жойда «Нақшбанд» бошқа ерда «Нақшбандий» дейилади. Ўйлаймизки, булар тўғриланса бўладиган камчиликлардир.

Шуни айтиш керакки, мазкур китоб маънавий ҳаётимиздаги муҳим воқеа бўлди, десак, асло муболаға эмас. Ундан турли мутахассислар фойдаланишлари мумкинлигини айтиб ўтиб, айниқса, ёшларимиз асарни бир неча бор ўқиб чиқишларини тавсия қиламиз.

Бу китобни ўқинг

Шуҳрат УСМОНОВ, Шарипа МИРЗАЕВА, Муроджон МИРЗАЕВ, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг доцентлари.



Дугоналар

Р. АЛБЕКОВ сурат-лавҳаси.

Жамоатчи мухбиримиз хабар қилади

«ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» НОМИ БЕРИЛДИ

Ўртачирчиқ туманидаги ТИИМСХ ўқув-тажриба хўжалиги ҳудудида II-жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасини абадийлаштириш мақсадида янги боғ ташкил қилинди. Қарийб 32 гектар майдонни эгаллаган мазкур боғни барпо этишда хўжалик фахрийлар кенгаши раиси Б. Икромов бошчилигида Х. Ботиров, Б. Жўраев, Ш. Эргашев каби отахонлар ташаббускор бўлишди. 600 тупдан ортиқ турли мевали дарахт кўчатлари ўтказилган мазкур боққа «Ғалабанинг 50 йиллиги номи» берилди.

Д. ХОЖИБЕКОВ.

Газетхон:

... фикр билдиради

ЕТТИ ЎЛЧАБ БИР КЕС...

Аждодларимиз ҳаёт бўстонининг лаззатларини тотиб,турмушда учраб турадиган бир қанча қийинчиликларга бардош бериб, асрлар мобайнида тарих ғилдирагини ҳаракатлантириб келишган. «Етти ўлчаб бир кес», — деган иборанинг яратилиши ҳам бежиз бўлмаган.

Бироқ надоматлар бўлсинким, айрим кишилар оқибатини ўйламай-нетмай, шошма-шошарлик билан иш юритиб, орадан йиллар ўтгач азият чекиб, афсусланиб қолишади. То 1960 йилларгача қурилган иморатларга назар ташласангиз тепаликка, сой бўйидан анча узоқлиги ҳамда тик қия бағирларидан олисга қурилганлигининг гувоҳи бўласиз. Ана энди бир назар солиб кўринг-а, чорак аср мобайнида бунёд этилган уйлар — сой бўйига, тоғ ёнбағирларига қуриб, қор ёки тупроқ кўчкисига ва ёки сув тошқини олиб кетишига эътибор берилмаган. 1993 йил кузининг серёмғир бўлиб, совуқнинг барвақт тушиши, 1994 йил қиш бўйи қалин қор ёғиши туфайли сув тошқини, кўчки ҳоллари аксарият ҳудудларда содир бўлди. Кўплаб хонадонлар жабр-ситам кўришди.

Ўтган йилнинг март-апрель ойида Оҳангарон туманининг ўнлаб қишлоқларида содир бўлган табиий офат туфайли юзлаб хонадонлар яшаб турган, киндик қони тўкилган азиз гўшаларини тарк этишга мажбур бўлишди.

Минг раҳматлар бўлсинким, инсонпарвар мустақил ҳукуматимиз жабрдийдаларга зудлик билан моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб, табиий офатдан хавфсиз жойларга кўчириб, уй қуриш учун ер майдонлари ажратиб беришди.

Истардимки, ҳамюртларимизга бу ибрат бўлса. Иморат қурганларида қишлоқ, туман, шаҳар Кенгашлари, оқсоқоллар, ноиблар билан маслаҳатлашмай туриб уй пойдеворларига ҳатто тош қўймасалар, «етти ўлчаб бир кес» қабилида иш тутсалар.

М. МУҲАМЕДОВ.

... миннатдорчилик изҳор қилади

МЕҲРДА ГАП КЎП

Дунёда тан сиҳатликка нима етсин. Қаеринг оғриса — ўша еринг жон, — деб бежиз айтишмайди. Абдуҳошим ака 1993 йилнинг ноябрь ойида сўлак бези йўлларининг шамоллаши натижасида оғир дардга мубтало бўлди. Ўша кунлар Абдуҳошим ака ва унинг оила аъзолари учун энг оғир кунлар эди. Ангрен шаҳар поликлиникасида сўлак безини қирқтириб ташлаган Абдуҳошим ака ўзини бирмунча енгил сезди. Лекин бу онлар узоққа чўзилмади. Дард тобора авж олди. Энди Қибрай туман марказий касалхонаси стомотолог шифокори Ҳуррам Қаршиевга мурожаат қилди. Бу касалликни жарроҳлик йўли билан даволашди.

— Ҳуррам ака Қаршиевдек олийжаноб шифокордан жуда мамнунман, — дейди А.Қурбонов. Бу қалби пок, ўз ишининг устаси қанчадан-қанча беморлар дардига малҳам бўлди. Дарддан фориғ бўлганлар ва уларнинг оила аъзолари номидан тиш-жағ шифокори Ҳ. Қаршиевга кейинги ишларида ҳам омад тилайман.

«Қўлидан ва тилидан мусулмонларга озор етмайдиган кишигина ҳақиқий мусулмондир» — дейилган Ҳадисда. Қўли енгил, тилидан бол томадиган тиббий ходимлар ҳозирги кунларда мустақил Ўзбекистон учун, унинг халқи учун жуда зарурдир.

М. ТИЛЛАЕВА, Оҳангарон тумани.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«КАЛАВАНИНГ УЧИ»

Газетамизнинг шу йил 7 январь сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола эълон қилинган эди. Унда Зангиота туманидаги «Назарбек» жамоа хўжалигига қарашли «Тўлаган» жамоа фермасида чорвачилик соҳасининг оқсаётганлиги, бир қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлиги танқид қилинган эди. Таҳририятимиз ушбу танқидий мақолага шу жамоа хўжалиги раиси А. Нурматовдан жавоб хати олди. Унда айтилишича, мақола хўжалик йиғилишида муҳокама этилиб, кўрсатилган камчиликларни тугатиш бўйича тадбирий чоралар ишлаб чиқилган.

Фермага озуқа экинлари экиш учун 250 гектар майдон ажратилди, керакли техникалар билан тўлиқ таъминланди. Барча зарур таъмирлаш ишлари сифатли ниҳоясига етказилиб, тартибга келтирилди. Сут соғувчилар, молбоқарларнинг иш ҳақлари оширилди.

Бугунги кунда сут соғувчиларнинг ўртача ойликлари 800—1000 сўмни, молбоқарларники эса 600 — 700 сўмни ташкил этмоқда. Айни кунларда беда, оралиқ экинларга озуқалар берилиб суғориш ишлари амалга оширилмоқда.



... Тасвирга туширади

Алоқачи муҳандис Тўлқин Лутфуллаев ҳаётга, ён-атрофида юз бераётган воқеаларга бефарқ қарамайди. Неча йиллардан буён у «Тошкент ҳақиқати» таҳририятига, шунингдек бошқа газета-журналларга ёзиб туради. Айни вақтда қўлидан фотоаппаратини ҳам қўймайди. Ҳаваскор суратчининг нигоҳи ҳаётнинг қизиқ лавҳаларини лентага муҳрлайди.

Тошкент телевидениеси ҳаммамизга таниш. Лекин унинг юз метрдан баландроқ жойидаги ресторанини ҳеч ким ердан туриб тасвирга туширимаган эди; Чирмовиқдай ўралиб ўсаётган бу дарахт нималигини (чанданги сурат) камдан-кам одам айтиб бера олади. Эрта-индин мана шу шохлар кўм-кўк барг ва шигил ҳосиллар билан қопланганда сўнггина унинг тутлигига ишонасиз.

ҚИСҚА САТРЛАР

• ОҲАНГАРОН тумани Собир Рахимов давлат хўжалигига қарашли Ачамайли қишлоғида 1200 чоғли аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқ олис тоғ бағрига жойлашган бўлсада 16-ва 17-дўкон кундалик истеъмол моллари билан узлуксиз таъминланиб турибди. Сотувчилар Сожида Хўжаёрова ва Ёрқин Абдуллаевлар хизматидан аҳоли хурсанд.

Т. ШЕРАЛИЕВ.

• ТОШКЕНТ тумани Келес шаҳар «Ўзбекистон» маҳалласида ҳар бир кўча, хонадонга газ, сув, электр нури кириб бормоқда. Янги Мустақиллик кўчасида 96 хонадонли уй қад кўтарди. Бу ободончилик, шунингдек эҳтиёжманд оилаларга кўрсатилаётган ёрдамдан аҳоли мамнун бўлмоқда.

А. ИСАЖОНОВ.

• ЯНГИОБОД шаҳридаги «Дукент» маданият саройида «Дур ичра дурдона» деб номланган қизлар белашуви бўлиб ўтди. Танлов шартлари ранг-баранг, қатнашчиларнинг ёшлари ҳам турлича эди.

Мусобақа якунида Б. Баратова ҳамда Ш. Абдураҳмоновалар ғолиб топилиб муносиб соврин эгаси бўлдилар.

Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.

Кишига неча келса мушкул ҳол
Ҳикмату ақл анга эрур ҳалол.
Алишер НАВОИЙ

ЯХШИДАН — ВАФО, ЁМОНДАН — ЖАФО

Дурдона билан мен синфдош эдим. У одобли ва итоаткор қиз эди. Дарслардан аъло баҳо олмаса-да, самимий ва соддалиги, хушмуомалалиги билан дўстлари ва устозлари меҳрини қозонганди. Мактабни битиргач, тиббиёт билим юртида ўқиди ва касалхоналардан бирида ишлай бошлади. Турмушга чиқди, уч фарзандли бўлди, оиласи тинч, деб эшитдим. Турмуш ўртоғи Рустамжон француз тили мутахассиси бўлиб, чет эллик меҳмонларга таржимонлик қилиб, турли шаҳарларга тез-тез саёҳатга чиқиб турар экан.

Яқинда шу дугонамни учратиб қолдим. Ранглари бир ҳолда. Кўзларида мунг. Юрагида қандайдир ғашлик ва изтироб сездим. Аввалига у сир бой бермади, кейин эса хаёлимга ҳам келмаган аянчли ҳаёт варақларини аста-секин оча бошлади:

— Мен кимни айблашни ҳам билмайман. Турмушим бинойидек эди. Кунлардан бир кун Рустам ака «Кейинги ойда дам олиш учун Чимёнга иккита йўлланма беришади, маза қилиб айланиб дам олиб келамиз», деб қолдилар. Хурсанд бўлиб кетдим, негаки, қишда баъзан оёғим оғриб безовта қилиб турарди. Қайнонамга айтсам: «Майли, боринглар, фақат кичик қизингизга қарай олмайман, қудамга ташлаб кетақолинг» — дедилар. Рози бўлдим, катталари боғчага бориб туришади, кенжатойимга эса онам «Жоним билан қарайман, соғлик ҳам керак, борақолинглар», — дедилар. Афсуски, «Чимён»га кетишимизга уч кун қолганда онамнинг қон босимлари кўтарилиб, шифохонага тушиб қолдилар. Укаларим ёш, онамдан ва уйдан хабар олиб туриш — фарзандлик бурчим. Кичик қизим ҳам қайнонамни чарчатиб қўйиши мумкин. Хуллас, дам олишга боролмайдиган бўлдим. Рустам акам дўстлари билан ўзлари кетдилар. Ҳаш-паш дегунча, 24 кун ҳам ўтиб кетди. Онам соғайиб касалхонадан чиқдилар. Рустам акам ҳам совға-саломлар билан дам олишдан қайтиб келдилар. Аммо... уларда ўзгариш бор эди. Начора, кўзим билан кўрмаган бўлсам, балки шубҳаларим бекордир, деб ўзимга тасалли бердим. Ўз ёғимга ўзим қоврилиб юрган кунлардан бирида Рустам ака «ёрилиб» қолдилар. «Чимён»да бир аёлни севиб қолибдилар, фарзандсизлиги туфайли турмушидан ажралган бу аёл ёлғиз эмиш, 2 хонали квартирада турармиш. Бошимни қайси тошга уришни билмай қолдим. Балки ўшанда дам олишга бирга борганимда, бу ишлар бўлмасмиди? Балки турмуш ўртоғимга ортиқча ишонч билдириб, истаган жойига боришига имконият яратиб берганимданмикин, — деб ўйладим. Гоҳо ўша аёлни беҳаёликда, андишасизликда айбладим. Нима бўлганда майдиган одат чиқардилар, Ажралмоқчи ҳам бўлдим, лекин уч бола билан қаерга бораман? Отам вафот этган, онам касалманд. Уч укам оилалари билан кичик бир ҳовлида яшашади. Турмушга чиқмаган икки сингилим бор. Хуллас, иложсиз эдим. Қайнона қайнотам инсофли эканлар, менга сабр тилаб «шу уй сизники яшайверинг, ўғлимиз бир кун ўзи қайтиб келади» — дейишди. Кўндим. Бошқа чорам ҳам йўқ эди. Мана, уч йил бўлди. Рустам акам ўша аёл билан яшаяптилар. Лекин фарзандлари йўқ. Якшанба кунлари Рустам ака уйга келиб турадилар, болаларимга кийим-кечак, егуликлар олиб келадилар. Фарзанд экан, қайнона-қайнотам ҳам ёлғиз ўғилларини айланиб-ўргилиб кутиб оладилар. Ўша аёл ҳам 2-3 марта уйимизга келди. Эшитишимча, у аёл ўқитувчи экан. Асли фарғоналик бўлиб, турмуши бузилгач, ўқишга кирибди. Навбатда туриб уй олиб, «тошкентлик» бўлиб олибди. Кўринишидан содда, иш жойида ҳам обрўси баланд эди. Аслида-чи, оилали бир инсонни хотини, болачақасидан ажратиб олишга, Тошкентдан уй олишга «устаси фаранг-ку». Бир кўнглим ишхонасига бориб, қилмишларини очиб ташлаасаммикин, ҳам дедим. Лекин бундан нима фойда? Анча кўникиб қолгандим, яқинда улар келиб бир қизимни ўз тарбияларига олмоқчи эканликларини айтишди. Болаларим ёш эмасми, «ҳа» ёки «йўқ» дея олишмади. Лекин мен «йўқ» дедим. Бахилликдан эмас, уларга ҳозир фақат фарзанд етишмаяпти, шу фарзанд билан улардан бахтли оила бўлмайди. Менга ёмонлик тилаганларга мен яхшилик тилай олармидим? Мен сахийлик қилиб, ўзимга жабр қилдим. Ўшанда уларни ноилож кетгим туфайли тинч кўйдим, бориб юзсизлик қилмадим, тўғриғоғи буни ўзимга эп ҳам кўрмадим. Энди-чи, пушаймонман. Ўзим ҳам майли, фарзандларим сўроғига жавоб тополмай доғдаман. «Нега дадам биз билан бирга эмаслар?» — деган савол мени адо қилди. Устига-устак, қайнотам «Биз ҳам қариб қолдик, у хотинингни ҳам шу уйга олиб кел, фарзандларингга бош бўл, хотиржам оёқ узатайлик» — демоқдалар. У кунни эса душманимга ҳам раво кўрмайман...

Дугонамга қандай тасалли беришни билмадим. Фақат унга ортиқча куйинмасликни, соғлиғи ҳали ўзига ва фарзандларига кераклигини айтдим, холос. Орадан кунлар ўтиб, ушбу пурҳикмат оятни ўқиб қолдим: «Эй мўминлар! Агар сизлар интиқом олмоқчи бўлсангизлар, у ҳолда фақат сизларга етган зиён баробарида интиқом олингиз. Аммо агар интиқом олмай, сабр-тоқат қилсангизлар албатта сабр қилгувчи кишилар учун, бу интиқом олмоқдан яхшироқдур». Демак, Дурдона сабр-бардоши билан интиқом олмай, уларга ёмонлик раво кўрмай, ўз бахтини ўзга билан бўлишди. Бунга ўзида куч топа билди. Бу чинакам шарқ аёлларига хос фазилат. Аммо... Рустамжон ва ўша аёлда заррача номус, виждон бўлса, айтсинлар. Дурдонанинг айби нима? «Сабр-тоқат қилингиз! Албатта, Аллоҳ, сабр қилгувчилар билан биргадир!» (Анфол сураси, 46-оят) деган оятга риоя қилиб яшаётган бокира, хаёиболи Дурдонанинг кўз ёшлари виждонингизни қийнамайдими? Бу ишларнинг ҳам бир кун жавоби бўлишини ўйламайсизларми? Сиз-чи, кўпни кўрган доно бува, бувижонларимиз, оқила аёлларимиз! Нима дейсизлар? «Яхшидан — вафо» деганлари шуми? Дурдонага қандай маслаҳат берасизлар?

Сиз нима дейсиз?

ВАЛИЕВА Маҳмуда Зоирхон қизи, муаллима, халқ таълими аълочиси.

Сўраган эдингиз

БОҒЛАРИМИЗ САҲОВАТИ НИМАЛАРГА БОҒЛИҚ?

Тошкент вилояти хўжаликларида қишнинг иссиқ келишидан фойдаланиб, боғ-роғларда талай ишлар амалга оширилди. Боғларга бир-икки марта яхоб суви берилди, зарур миқдорда маҳаллий ва минерал ўғитлар солинди, мевазорлар буталди ва ҳатоларига янгитдан кўчат экилди.

Апрель ойи бошларида вилоятда токлар симбағазларга тўлиқ боғлаб бўлинади. Таралган бир йиллик новдалар куртакларидан янги новдалар ўсиб чиқади ва шўралар шаклланади. Новдаларда шўралар кўзга ташланганча, бир куртакдан 2 — 3 тагача новда ўсиб чиққан бўлса, улардан биттаси — ҳосили бор, бақувват ўсгани қолдирилиб, қолганлари мағзи қотмасдан (ёғочланмасдан) қўлда хомток қилиб олиб ташланади.

Одатда шўра хомтокдан кейин биринчи озуқа берилади. Гектарига 60 — 80 килограмм азотга 2 — 3 тонна чириган ғўнг аралаштириб солинади. Иккинчи озуқа токлар тўлиқ гуллаб бўлгандан кейин, ғўралар мошдек бўлганда худди биринчи галдагидек миқдорда азот берилади ва кетма-кет суғорилади. Ғўра хомтокни ўтказиш билан бир пайтда кўк новдалар иккинчи марта намланган чипта-лента-лар билан симбағазларга боғланади.

Мевазорларда ҳам биринчи озуқа гуллашдан олдин ва иккинчи озуқа ғўралар катталашган даврда 60 — 80 килограмм азотга 2 — 3 тонна чириган ғўнг аралаштириб берилади, сўнг суғорилади. Ер етилиши билан боғ ва токзорлар қатор ораси культивация қилиниб, бегона ўтлардан тозаланади. Шуни эсда тутиш керакки, май-июнь ойларида токзор ва боғларда келаси йил ҳосил берадиган куртаклар шаклланади. Берилган озуқа ана шу мураккаб биологик жараёнларнинг маромида ўтиши учун зарур. Хўжаликларда, айниқса, ёзги биринчи ўсув даврида ўтказиладиган ишларга катта аҳамият бериш лозим. Ёзнинг биринчи ярмида тупроқ қатламидаги намлик (сув сиғимига нисбатан) 75 — 80 фоизни ташкил қилса, иккинчи ярмида 50 — 60 фоизни ташкил қилиши керак. Ҳар бир суғоришда гектарига 80 — 100 куб, метргача сув сарфланади.

Ёш боғ ва узумзорлар қатор ораларидаги ерлардан тўлиқ фойдаланиш мақсадида эртаги ва ўртаги чопиқ экинларини экиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги агротехник тадбирлар билан бирга зараркунанда ва касалликларга қарши ўз вақтида курашиш ҳам эътиборда бўлиши лозим. Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, бу йилги шароитда мевали боғлар ва узумзорларда олма қурти, турли хил қуялар, каналар, қалқондорлар, битлар, қандалалар, узум қурти, оидиум (кул) касали ва антракноз сингари зараркунанда ва касалликлар кўпроқ зарар келтириши мумкин. Шунинг учун дарахт куртаклари бўртгандан то очилгунга қадар гектарига 70 — 100 килограмм «препарат-30» ёки 35 — 40 килограмм миқдорида нитрофен кимёвий моддалари, «яшил конус» даврида парша (калмароз) касаллиги тарқаган боғларга 3 фоизли бордо суюқлиги, ун шудрингга қарши эса 3 фоизли олтингугурт кукуни билан ишлов бериш керак. Гуллаш охирида яъни 75 фоиз гул барг тўкилганда дарҳол суми-альфанинг 0,06 фоизли ёки толстарнинг 0,5 фоизли эритмасига 10 — 12 килограмм олтингугурт кўшиб сепиш лозим. Бу тадбир майда икки мартаба ўтказилади.

Агарда боғларда ўсимлик-хўр каналар кўпайгани аниқланса, уларга қарши 1,5 — 2 килограмм неорон, 1,5 — 2 килограмм омайт ёки 400 — 600 грамм каратэ билан ишлов берилади. Данакли мевали боғларда, айниқса, олхўрида қалқондорлар тез кўпаймоқда. Уларга қарши гектарига 2 килограмм донитол ёки 800 грамм суми-альфа дориси ишлатилади.

Токзорларда узум мевахўри, оидиум (кул касали), антракноз каби зараркунанда ва касалликлар тарқалган. Узум мевахўрига қарши мавсумда фазалон препаратининг 0,3 фоизли, суми-альфанинг 0,06 фоизли ёки толстарнинг 0,06 фоизли эритмаси билан 2 — 3 марта ишлов бериш керак. Токзорлар баҳор ва ёз фаслларида олтингугурт кукуни билан камида тўрт мартагача чангланади. Оидиум касаллигига қарши курашда фундазол (гектарига 2 кг), айниқса, топаз (гектарига 0,03 л.) юқори самара беради. Топаз билан биринчи ишлов касалликнинг биринчи белгилари пайдо бўлганда, иккинчи ишлов гуллаш тугагандан сўнг,июннинг бошларида ўтказилади. Шуниси диққатга сазоворки, бу препарат доғли антракнозга қарши курашда жуда фойдалидир.

Мавсумда антракноз касали топилган токзорлар бордонинг бир фоизли суюқлиги купрозанинг 0,5 фоизли ёки мис хлороксиди суспензияси билан пуркалади. 10 — 12 кун ўтгач, токзорлар юқоридаги препаратларнинг бирортаси билан қайта ишланади. Бундай ишлов яна 15 — 20 кундан кейин қайтарилади.

М. СОБИРОВ, М. РАЗЗОҚОВ, қишлоқ хўжалик фанлари номзодлари.

Қибрайдан хабарлар

ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ ЯРАТИЛДИ

КЕЙИНГИ йиллар ичида туман ҳокимлиги кам таъминланганларни ижтимоий ҳимоялашга эътиборни янада кучайтирди. Хусусан, яқинда ҳоким қарорига биноан уруш ногиронларидан 399 нафари коммунал хизмат тўловларидан озод қилиндилар. Бунинг учун маҳаллий бюджетдан 60 минг сўм маблағ ажратилди.

108 ЁШЛИ ОТАХОН ЭВАРА КЕЛИН КЎРДИ

«ОҚҚОВОК» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Ағанай» маҳалласининг табаррук отахони Мирзамаҳмуд Раҳматов 108 ёшга тўлган куни эвара тўйини ўтказди. Тўйнинг сарф-ҳаражатларини маҳалла қўмитаси ўз зиммасига олди.

Бундай ғамхўрликда маҳалла оқсоқоли А. Хайитмирзаев, хотин-қизлар кенгаши раисаси К. Турсунбоева, маҳалла фаоллари И. Йўлчиев, М. Қосимовларнинг хизмати катта бўлди.

Ш. МИРЮСУФЗОДА, жамоатчи мухбир.

... мулоҳазаси

АРЗОННИНГ ШЎРВАСИ ТАТИМАС

Ҳурматли таҳририят ходимлари! Кейинги пайтларда бозор иқтисодиёти шартларига кўра бозорлар турли-туман чет эл маҳсулотлари билан тўлаётганлиги албатта бизни хурсанд этади. Ўзингиз хоҳлаган, керакли буюмни харид қилиш имконига эгасиз. Бунда, албатта ишбилармонлик, тадбиркорликка кенг йўл берилганлиги туфайли ҳам қўшни давлатларга қатнаб, у ердан керакли маҳсулотларни келтириб сотаётган тижоратчиларнинг хизматлари катта бўляпти. Лекин кўп ҳолларда келтирилаётган моллар сифати талабга жавоб бермаётганлиги, уларнинг орасида яроқсизлари чиқиб қолиши харидорларни ранжитмоқда. Жумладан, яқинда мен Хитойда ишлаб чиқарилган лезвияларни сотиб олган эдим. Ўтмаслиги сабабли уларни ҳатто бир марта ҳам ишлатолмадим. Шунингдек хитой пайпоқларидан ҳам бир нечтасини ўзим ва набираларим учун олиб келгандим. Афсуски, ушбу носкилар ҳам битта кийишга ярамади, йиртилиб кетди. Бир вақтлар Хитойнинг моли деса жон деб, пулига ҳам қарамай сотиб олар эдик. Чунки улар пишиқлиги, кўркамлиги билан ажралиб турарди. Хўш, нега энди уларнинг сифати бу қадар пасайиб кетди? Ёки бўлмаса бораётган тижоратчиларимиз харидор учун қулай эмас, ўзлари учун арзон молни олиб келаётганмиканлар?

С. ТУРСУНОВ, Бекобод тумани.

«МЕҲРЖОН»ДА ЯНГРАГАН ОҲАНГЛАР

Яқинда пойтахтимизнинг «Меҳржон» боғида ўтказилган Наврўз байрами иштирокчилари қалбларини севинч нурлари нурафшон этди. Республика ногиронлар жамияти Тошкент шаҳар бўлими томонидан ўтказилган бу тадбирга ташриф буюрганларни жамият раиси Содиқ Убайдуллаев улуғ айём билан қутлади.

Кун бўйи турли аттракционлар, миллий дор ўйинлари, викториналар давом этди. Айниқса «Яшаётган юртингизни биласизми?» мавзусидаги викторинага деярли ҳамма қатнашди. Ногиронлар учун ташкил этилган корхонада ишлаб чиқарилган кийим-кечак, уй- рўзғор буюмлари савдоси бўлди.

Муҳиддин Қориёқубов номли филармония «Шодлик» ашула ва рақс дастасининг истеъдодли раққоса қизлари, Дилором Қаюмова, Муроджон Соҳибов сингари хушовоз хонандалар ижро этган куй ва қўшиқларни, Ўзбекистон халқ артисти Ҳусан Шарипов, Муқимий номидаги мусиқали театр артисти Абдухолиқ Мамарасуловларнинг ичакузди ҳангомаларини томошабинлар завқ билан кутиб олдилар. Шунингдек «Анор», «Хонанда», «Хоразм гулдастаси»ашула ва рақс дасталари иштирокчилари ҳам ўз санъатларини намойиш этдилар.

Байрам сўнггида барчага Наврўз таоми сумалак, ош тортилди.

Темур УБАЙДУЛЛАЕВ.

Суратларда: Наврўз шодиёнасидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ДИЛ ДАФТАРИ

АЙБ ЭТМАНГИЗ

Айб этмангиз дилда борин қалбим сиза роз айласа,
Ул каби асли хунуклар ҳуснига пардоз айласа,

Сумбул сочин майда ўрса, гоҳи этса гули чамбар,
Елка узра гоҳ кокилин қўнғироғи боз айласа.

Эгнига атлас кийиб гоҳ, гоҳ таратса мушку анбар,
Гоҳ этиб товус хиромон қаддин сарвиноз айласа.

Моҳирўйга интилса у, бўлмоқ истаса суманбар,
Ҳуснига ул бас келолмай қаддин сарандоз айласа.

Қанча ороланмасун ким асли гўзал ёрни магар,
Гул жамолин васфини ул ўздин сарафроз айласа.

Ўчмасин асли гўзаллик дейди ул пинҳон тилак,
Интилиб ҳар дам йўлида қалбин пояндоз айласа.

Эй, Холисим, йўқ жаҳонда хушсифат андин бўлак,
Ҳуснини гулга ўраб ул бир умр эъзоз айласа.

Холисхон ОЛИМЖОНОВА.

БИР КУН — БУТУН ҲАЁТ

Тун. Гўё қалбимдай қуёш кўрмаган,
Йўқ тун эмас бу —
Менинг ҳаёллларим — нурни соғинган.
Булут йиғламоқда, зарралар сочиб,
Ёмғир эмас бу —
Менинг кўз ёшларим тунда тўкилган.
Оппоқ тонг ёришар, намлик қуриган
Йўқ, тонг эмас бу —
Менинг умидларим бошин кўтарган!

Нилуфар УМРЗОҚОВА.

МЕН СИЗДАН ГУМОН ЭТСАМ

Мен сиздан тумон этсам, сиз тарафга ўтди шеър,
Йўллар айру тушганда, мени ҳам унутди шеър.
Хайру-хўш, деб мен тунда Фарғонага йўл олсам,
Эрта тонгда Сурхонда ярмим бўлиб кутди шеър.

Муҳаббатми асли бу, қиёматми асли бу?
Ё қизларнинг юртига ҳиёнати асли бу!
Ё бир-бирин англолмай юрган икки элатни
Қуда қилиб боғлаган Темур руҳин қасди бу?!

Сўзларим гирён энди, кўзларим нигор энди,
Она юрт, қайнона юрт менга бир диёр энди.
Бир юмалаб Ёсуман тош гулларга айланди,
Қолмади бу йўлларда биз учун ағёр энди.

Мен сизни ёмон, дедим, сиз тарафга ўтди шеър...

Қаноат БОЙХОН.

АЁЛДА МУҲАББАТ БЎЛМАСА АГАР

Бешик ҳам дорларга
айланар эди,
Ошиқлар зорларга
айланар эди,
Муҳаббат орларга
айланар эди,
Аёлда садоқат
бўлмаса агар.

Зебо ҳам тилидан
айрилмас эди,
Нурхоннинг қаноти
қайрилмас эди,
Онага шон-шараф
айтилмас эди,
Аёлда жасорат
бўлмаса агар.

Фарҳод Ширинидан
тонар эди-ку,
Олам қабоҳатдан ёнар
эди-ку,
Севгини не кўйга
солар эди-ку,
Аёлда муҳаббат
бўлмаса агар.

Йигитни мардликка
чорлаган аёл,
Дунёни йўқликдан
борлаган аёл,
Бахтидан кўзлари
порлаган аёл.
Аёлда муҳаббат
бўлмаса агар
Олам қабоҳатдан ёнар
эди-ку...

Мавлуда ҚУРАНБОЕВА.

«КУТУБХОНА, КИТОБХОН ВА НАШРИЁТ»

Кишиларга маънавий озуқа бериш, уларнинг фикрлаш доирасини кенгайтириш ҳамда жонажон ўлкамизнинг чин тарихини чуқурроқ ўрганишда зиё масканлари бўлган кутубхоналарнинг ўрни беқиёсдир. У ерда ўтказиладиган турли-туман тадбирлар ва қизиқарли учрашувлар ҳам, шубҳасиз, инсонни етук маънавият сари етаклайди.

Кейинги кунларда «Турон» илмий универсал кутубхонаси ходимлари бундай тадбир ва учрашувларни мунтазам ўтказиб бормоқдалар.

Куни кеча бу ерда вилоят маданият ишлари бошқармаси ташаббуси билан «Кутубхона, китобхон ва нашриёт» деб номланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда таниқли адабиётшунос олимлар, фан номзодлари, бир қатор нашриётларнинг вакиллари ва вилоятимизнинг шаҳар ва туманларидаги кутубхона ходимлари иштирок этиб, мавжуд зиё масканлари ва нашриётларнинг бугунги кундаги аҳволи, уларнинг олдидаги вазифалар ва муаммолар ҳақида фикр юритдилар. Конференцияда сўзга чиққан вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи З. Солиҳов аҳолининг китобга бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш ҳамда китоб жамғармаларини тўлдиришнинг ҳозирги кундаги муаммоларини ҳал қилишда кутубхона ва нашриётларнинг роли ҳақида маъруза қилди. «Хазина» илмий — ижодий бирлашма директори, профессор О. Шарафиддинов эса мазкур бирлашманинг асосий йўналиши тўғрисида, профессор Наим Каримов китобхоннинг руҳий олами ҳақида сўз юритдилар.

Шунингдек, кутубхоналарни ҳозирги замон талабига жавоб берадиган қизиқарли, оммабоп адабиётлар билан бойитиш, китоб харид қилишда нашриётлар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш хусусида ҳам ўзаро фикр алмашилди.

А. РАИМОВ.

Маданият янгиликлари

САҲНАДА — «ШУМ ТУЛКИЧА»

Республика қўғирчоқ театри жамоаси латиш ёзувчиси Владис Павловскиснинг «Шум тулкича» асарини саҳналаштирди. Асарда муғомбир тулкининг айиқ билан қуёнчани алдагани, лекин ўзининг бошига қулфат тушганда улар дарҳол ёрдам қўлини чўзгани намойиш этилади. Асарнинг болалар тарбияси учун аҳамиятли жойи шундаки, ёшларни тўғрисўзлик, дўстлик, ҳамкорликка ўргатади.

Кичкинтойларнинг бу севимли асарига Бекбўлат Пармонов режиссёрлик қилди.

ЁШ МУСИҚАЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Тошкент шаҳар маданият ишлари бош бошқармаси томонидан пойтахт болалар мусиқа мактаблари ўқувчиларининг «Наврўз-95» кўрик танлови ўтказилди.

Голибларга рағбатлантирувчи мукофотлар берилди. Шунингдек, болаларни кўрик-танловга тайёрлаган ўқитувчи ва жўровозлар ҳам пул мукофотлари билан тақдирланди. Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига биноан бу кўрик-танловни ўтказиш учун 10.000 сўм ажратилди.

(ЎзА).

Кўҳна олам сир-синоатлари

ҒОЙИБДАН КЕЛГАН ШИФО

ИССИҚ жонда! Маҳмуда тўсатдан оғриб, касалхонага тушиб қолди. 15 кунча ётиб, даволаниб чиқди. Уйига келгач, уч-тўрт кундан сўнг кўнгли узоқ қишлоқдаги тенгқур дугонаси Саври билан суҳбатлашишни, хасратлашишни истаб қолди. Эрталаб барвақт туриб, нонушта қилди-да ўша томонга йўл олди.

Саври ҳам дугонасини кўнглидан ўтказиб турган экан, кўриб хурсанд бўлиб кетди.

— Намунча узоқлаб кетдингиз? Эсдан чиқариб юбордингизми? — деб ўйлаб тургандим, — деди у гина қилиб, — Мени-ку биласиз, узоққа юролмайман.

Маҳмуда бўлган воқеани айтиб берди. Саври хайрон бўлиб қолди. Ё тавба! Сиз касалхонада ётган кезларда мен ҳам туманимиз шифохонасида эдим, бир ўлимдан қолдим. Худо қайси бир боламнинг раҳмини еди, билмадим, ўзи шифо бермаганида, эҳтимол шу пайтда азамнинг устидан чиққан бўлармидингиз!

— Нафасингиз қурсин, нима бўлди ўзи? Тушунтириброқ айтинг?

— Эй, ким билади, дейсиз, — деди Саври. — Қариндошларникига меҳмонга борган эдим. Ёқмайдиганроқ овқат еб қўйдим шекилли. Эртасига кўкрагимда қаттиқ оғриқ турди. Бир нарса тиқилиб қолгандек эди. Ошқозон буралиб оғрий бошлади. Қорнимда ҳам шиш пайдо бўлди. Уйдагилар ҳам қўрқиб кетишди. Зудлик билан шифохонага олиб боришди. Докторлар ҳар хил асбоблари билан уёқ буёғимни текширишди, дори-дармон қилишди. Лекин, ҳа деганда тузалавермадим.

— Учовингиз буралиб қолган кўринади, — дейишди улар узоқ маслаҳатлашгандан кейин, — жарроҳлик йўли билан даволамасак бўлмайди.

Ноилож розилик билдирдим. Ўзимни руҳан тайёрлай бошладим.

Лекин эртаси жарроҳлик куни кечқурун уйку дорисини ичиб қаттиқ ухлаб қолибман. Туш кўрдим. Соппа-соғ эмишман. Катта ариқ бўйида юрибман. Нариги томонга ўтмоқчи бўламан-у, ўтолмайман. Айқириб оқаётган ариқ устига биттагина ингичка ёғоч ташлаб қўйилган эди-да!

— Ўтинг, ўтаверинг, — дейишди менга.

Лекин юрагим дов бермасди. Йўқ ўтолмайман, йиқилиб тушаман, дейман.

Кейин ўша ёғочни қўлим билан бир ёнга суриб ташладим. Шундан сўнг бундай қарасам ариқдаги сув шиддат билан оқиб, бир зумда тўхтаб қолди. Хайриятей дедим, осонлик билан нариги томонга ўтиб олдим. Ногаҳон уйғониб кетдим.

Ажабо, бу қанақаси? Энди нима бўлади?

Шу пайт мен ётган хонага синглим кириб келди. Унга ҳовлиқиб, кўрган тушимни айтиб бердим.

Синглим кулди.

— Қил кўприкдан ўтмай яхши қилибсиз, — деди у ҳазиллашиб. Жуда айёрсиз-да, опа. Йўлингизни ўзингиз очибсиз. Худо хоҳласа яхши бўлиб кетасиз.

У шундай деди-да, сумкасидан бир банка сутни олиб стол устига қўйди. Пиширилган, ичинг, — деди.

— Қандай бўларкин, қақшаб оғриб турибман-ку!

— Ҳеч нарса қилмайди, Шифо бўлади, — деди у.

Таваккал қилиб сутни сипқириб юбордим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг мўъжиза рўй берди. Сут кўкрагимдаги тугунни пастга олиб тушиб, ичимдаги бор иллатларни сидириб кетгандек эди. Дафъатан ўзимни енгил хис қила бошладим. Ичим ҳам юришиб кетди. Кўп ўтмай асли холимга келиб қолгандек эдим. Руҳим анча тетиклашди.

Шу орада хонага шифокорлар кириб келиб қолишди. Уларнинг ҳеч нарсадан хабари йўқ эди.

— Тайёрмисиз, ая, — дейишди улар.

— Йўқ, тиғ тегиздирмайман, — дедим қатъиятлик билан, — тузалиб қолдим.

— Ия, нималар деяпсиз?!

— Ишонмасанглар текшириб кўринглар. Менга жавоб берінглар, уйга кетаман.

Текшириб кўриб, шифокорлар ҳам ҳанг-манг бўлишди.

— Нима қилдингиз, ая, — дейишди улар. Ҳақиқатан ҳам анча соғайиб қолган кўринасиз. Қанақа дори ичдингиз?!

— Бу сир, — дедим хазиломуз. — Яратганнинг ўзи шифо берди.

Маҳмуда Саври холанинг бу ҳикоясини тинглаб Оллоҳга ҳамду-санолар ўқиди. Бу кўҳна дунёда биз билмаган сиру-синоатлар тўлиб тошиб ётганлигига яна бир бор иймон келтирди.

Н. РИҲСИЕВ.

Луқмони Ҳаким ўгитларидан

ЙЎТАЛ ҚИЙНАСА...

- Кўкйўталга йўлиққан киши новвот, қизил атиргул, гулбарги, бодом мағзи ва кашнич яхшилаб ийлаб овқатга ишлатсин. Агар нафас нотекис бўлиб, кўкрак хирилласа қора қўй думбаси ва пиёздан шўрва қилиб, уч кун ичиш лозим.
- Бу касалга қўй қорачиғини қайнатиб, куритиб, кейин уни шакар билан бирга истеъмол қилиш ҳам фойда беради.
- Киши шамоллаб, қаттиқ йўталса, нонуштага тоифи майизини бинафша ёғида қовуриб ейиши лозим.
- Сурункали йўталга қайнатилган турп ейиш фойда беради.
- Йўтал қийнаган киши турпни асал билан еса ҳам бўлади.
- Анжирни сутда қайнатиб ейилса йўтал қолади.
- Эрталаблари шолғом еган киши йўталга дучор бўлмайди. Шолғом нафасни юмшатиб, ўпкани ҳам тозалайди.
- Йўталдан қийналган одам буғдойни қайнатиб, қайнатмани сутга омухта қилсин ва ётишдан олдин ичсин.

Тошкент вилояти ҳокимлиги «Ўзбекистон металлургия комбинати» ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

Анатолий Михайлович АНОХИННинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

СПОРТ

ҒОЛИБОНА ОДИМ

ОҒИРЛИГИ 198 килограмм кумушдан ясалган Дэвис Кубоги учун профессионал теннисчилар ўртасидаги жаҳон мусобақалари 1900 йилдан бери ўтказиб келинади. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жаҳон футболидан сўнг дунёда иккинчи ўринда ҳисобланган ва бу сафарги баҳсда қатнашиш истагини билдирган 115 мамлакат сафидан ўрин олган теннисчиларимизнинг ғолибона одими мухлисларни мамнун этмоқда. Ўтган йили учинчи гуруҳда илк бор қатнашган теннисчиларимиз Катарнинг Доҳа шаҳрида Бахрайн, Бруней, Ливан ва Иордания командаларини мағлубиятга учратиб, иккинчи гуруҳга йўлланма олган эдилар. Спортчиларимиз бу гуруҳда ҳам кетма-кет ғалабага эришмоқдалар. Улар сафарда Катар жамоасини 5:0 ҳисобида мағлуб этишгандан сўнг куни кеча ўз майдонларида Шри Ланка теннисчилари билан учрашдилар. Олег Огородов ва Дмитрий Томашевич бу сафар ҳам рақибларини йириқ 5:0 ҳисобида енгишди. Шундай қилиб сентябрь ойининг сўнгги ҳафтасида теннисчиларимиз Хитой командасини Тошкентда қабул қилиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Ана шу финал беллашувида ғолиб келган томон келаси йил кучлилар гуруҳига йўлланма олади. Маълумки, финалда жаҳоннинг энг кучли 16 жамоаси қатнашади.

САФАРДА МАҒЛУБИЯТ, ЎЗ МАЙДОНИДА ДУРАНГ

«ПОЛИТОТДЕЛ» футболчилари чемпионатнинг навбатдаги учрашувини Андижонда «Наврўз» билан ўтказиб, 0:1 ҳисобида мағлабиятга учрадилар. Вилоятимизнинг иккинчи вакили — «Чирчиқ» эса ўз майдонида МҲСК клуби билан натижасиз дурангга эришди. Иккинчи турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Динамо» — «Трактор» — 2:1, МҲСК - «Пахтакор» — 2:3, «Янгиер» — «Суғдиёна» — 2:1, «Атласчи» — «Темирйўлчи» — 2:0, «Машъал» — «Навбаҳор» — 0:0, «Нефтчи» — «Нурафшон» — 4:1.

Икки турдан сўнг рақиблар дарвозасига 8 та тўп киритиб, ўз дарвозасидан бори-йўғи бир тўп ўтказиб юборган ва олти очко тўплаган «Нефтчи» пешқадамлик қилмоқда.

БОШЛАНИШИ ЯХШИ

РЕСПУБЛИКА чемпионатининг биринчи гуруҳида қатнашаётган вилоятимиз вакиллари мавсумни муваффақиятли бошладилар. Қибрайнинг «Маданият» футболчилари сафарда «Олтинкўл» жамоаси билан учрашиб, 2:1 ҳисобида ғолиб келдилар. Янгийўлнинг «Мебелчи» клуби «Норин»ни, «Ғазалкент» эса Тўрақўрғоннинг «Бахт» командасини бир хил — 2:0 ҳисобида енгди. Чирчиқнинг «Кимёгар» ва Наманганнинг «Наврўз» жамоалари учрашуви 1:1 ҳисобида дуранг бўлиб тугади. Бекободнинг «Металлург» футболчилари биринчи турда дам олдилар.

«ШАРҚ»ЧИЛАР БИРИНЧИ

«СПОРТ» газетаси 60 йиллиги муносабати билан оммавий ахборот воситалари ҳаваскор футболчилари ўртасида ўтказилган мусобақалар ниҳоясига етди. Ҳал қилувчи баҳсда «Молодёжь Узбекистана» ва «Шарқ» командалари учрашди. Кескин курашда «Шарқ» футболчилари 8:7 ҳисобида ғолиб келиб, бош соврин эгаси бўлдилар. «Туркистон» жамоасини 4:2 ҳисобида енгган «Ўзтелерадио» командаси учинчи ўринни эгаллади.

У. ШАРОПОВ.

СОБИР ЮСУПОВНИ ХОТИРЛАБ

Республика «Пахтакор» жисмоний соғломлаштириш клубининг директори бўлиб ишлаган марҳум Собир Юсупов хотирасига бағишлаб Келес шаҳрида Ўзбекистон агросаноат мажмуи тизимидаги болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчилари ўртасида футбол мусобақалари уюштирилди.

Хотира тадбирида бир қатор республика жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларининг раҳбарлари, «Оқтепа» маҳалла қўмитаси раиси Убайдулла Маҳкамов ва бошқалар С. Юсуповнинг спортни ривожлантириш борасидаги хизматлари ҳақида сўзладилар.

Уч кунлик бахслардан сўнг Тошкент вилояти болалар-ўсмирлар спорт мактаби командаси биринчи ўринни, сурхондарёликлар иккинчи, Келес шаҳри ёш спортчилари учинчи ўринни эгалладилар. Мусобақа ғолибларига эсдалик совринлари топширилди.

А. ХУСАИНОВ.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

70 МИЛЛИОН ЙИЛ САҚЛАНГАН ТУХУМ

Хитой олимлари курраи заминимизда бундан 70 миллион йил илгари яшаб ўтган динозаврлар ҳаётини ўрганиш устида изланишлар олиб бормоқда. Яқинда улар Марказий Хитойнинг Хэнань вилоятида олиб борилаётган археологик қазишмалар вақтида динозаврлар яшаган маконга дуч келдилар. Шов-шувга сабаб жойи шундаки, хитойлик полеонтологлар динозаврнинг тошга айланган тухумини топиб олдилар. Тухум пўстлоғи кристалланган кальций қатлами билан қопланганлиги унинг ичига ҳаво киришига йўл қўймаган ва у яхши сақланган.

Ҳозир олимларни қадимги баҳайбат маҳлуқнинг кўпайиши сирлари қизиқтирмоқда. Бебаҳо топилма зора уларга бу ишда кўмак берса.

УЛКАН ДОШҚОЗОН СИРИ

Днепропетровскка яқин Днепрнинг ўнг сохилида Комсомол ороли бор. Тарихий солномаларнинг шоҳидлик беришича, бу ерда эрамиздан олдинги VI асрда скифлар шоҳқозон ўрнатганлар.

Қозоннинг кўндаланг кесими 3 метрдан зиёдроқ, чуқурлиги 1,54 метр ва қалинлиги 12 сантиметрдир. Оғирлиги 18 тонна. Бундай қозонни қуйиш ҳатто бизнинг давримизда ҳам анча машаққат, аммо скифлар бунинг уддасидан чиқишган. Шоҳ-қозонга 30 бочка ҳажмда сув кетган ва қурбонликлар учун хизмат қилган.

Дошқозонни бунёд қилиш ишлари скиф подшоси Ариант инсоният тарихида биринчи бор аҳоли рўйхатини ўтказишга қарор қилган кундан бошланган. Подшоҳ бунинг учун ёши улуғ ҳар бир эркакка ўқёйнинг бронзадан ясалган найзадор учини тарқатиб чиқишни буюрган. Улар шунчалар кўп бўлганки, ана шу бронзадан улкан дошқозонни қуйиш мумкин бўлган.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0147. 17188 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.45. 1 2 3 4 5 6